

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Маҳаммадали Мирабдуллаев

Вокал и жрочилиги

(Ўқув – услубий қўлланма)



Наманган-2014

Вокал ижрочилиги

**(НОМЛИ ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА)
МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН**

Наманган-2014

Ушбу ўқув – услубий қўлланма “Вокал ижрочилиги” фанига тайёрланган бўлиб, унда бўлғуси вокал ижрочиларининг овозлари, унинг гигиенаси, қўшиқчининг ижрочилик маҳорати, талабаларни қўшиқ ижрочилигига тайёрлаш бўйича мавзулар берилган. Ўқув – услубий қўлланмадан Олий ўқув юр்தларининг мусиқа таълими йўналишида таҳсил олаётган талабалар, мусиқа ўқитувчилари ва педагогик коллежларнинг мусиқа бўлими ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф: Маҳаммадали Мирабдуллаев

Тақризчилар: Орифжон Азизов – НамДУ мусиқа таълими
кафедраси доценти
Акбарали Асқаров – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист, А.Навоий номли вилоят драма
ва комедия театри директори.

Муҳаррир: Тоҳиржон Ортиқов – НамДУ мусиқа таълими
кафедраси ўқитувчиси.

Ушбу ўқув-услубий қўлланма НамДУ ўқув-услубий кенгашининг 2014 йил 4 апрель куни ўтказган йиғилишида 7-баённомаси билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Кириш

Муסיқа санъати шундай табиатга эгаки, у ижодий оламга ва катта ижтимоий кудратга эга бўлган тарбия воситасидир. Шоирнинг жозибали назми, хонанданинг чин юракдан қилган хониши, мутрибнинг сел қилиб оқизувчи оҳанги тингловчининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас. Муסיқа санъати инсон онгига, руҳиятига, қалбининг энг нозик торларига таъсир этувчи кучдир. Айниқса, кўшиқчиликда оҳанг ва сўзнинг ўзаро уйғунлиги асарнинг бадийлигини белгилашда асосий омил ҳисобланади. Биз ва сиз билган гўзаллик, латифлилик ва ёқимлилик асосида уйғунлик (гармония), мутаносиблик воситасида мужассамлашган яхлитлик, бутунлик ётади. Ўз оҳанги, куйи ва сўзи билан биргаликда ижро этилган кўшиқ мисраларининг тенг ўлчамлилиги, образларнинг муайян нисбатда уйғунлиги, сўзларнинг ўз ўрнида чертиб ишлатилганлиги, ритм ва оҳангнинг мазмунга мослиги билан тингловчи эътиборини беихтиёр ўзига тортиб олади, унинг руҳига теранлик, жону танига жўшқинлик, дилига ором, ҳаракат ва ҳолатига тетиклик бағишлайди. Бунинг боиси – кўшиқни ташкил этган барча элементларнинг ўз ўрнида уйғунлик қонунияти асосида бутунлик касб этишидадир.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида “Муסיқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади” деб бежиз айтмаганлар.¹

Ҳар бир яхши кўшиқ инсонни улуғлайди, инсоннинг олижаноб меҳнати, пок ҳис – туйғулари, интилишлари, халққа ва Ватанга муҳаббати, гўзаллик ва комиликка бўлган интилишини мадҳ этади, эстетик дидни шакллантиради. Вокал ижрочилигида янграётган асарлар ҳам ёшларга мушқий эстетик тарбия беришда аҳамиятлидир. Шу ўринда айтиш жоизки, “кўшиқ” ибораси кўшиқ жанрларининг исталган шаклига нисбатан қўлланилиши мумкин. Шу жиҳатдан вокал ижрочилигига ҳам.

¹ И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият” 2008 й. 140 бет.

Жамиятимиз бунёдкорларининг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб етишуви учун уларда юксак бадиий дид ва маданий малака ҳосил қилиш жуда масъулиятли ва муҳим вазифадирки, буларни эстетик тарбия бермай амалга ошириб бўлмайди.

Ёш авлодга ҳар тарафлама ва чуқур билим бериш, уларни Ватанимизнинг етук кишилари қилиб камол топтиришда билим даргоҳлари ҳам асосий рол ўйнайди. Педагогик жамоа талабаларга билим бериш, уни гармоник ривожланган шахс қилиб вояга етказиш борасида барча тадбирларни амалга ошириш билан бирга, уларни санъат оламига олиб киради, гўзалликка бўлган қизиқишларини кучайтиради. Шунинг учун ҳам таълим – тарбия ишларида санъат асарларини тарғиб қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ҳар қандай миллий санъатнинг ифода воситалари объекти халқ ҳаёти, унинг ишлари, турмушдаги мувоффақиятларидир. Санъат халқ ҳаёти билан қанчалик чамбарчас алоқада бўлса, у шунчалик ривож топади, яшовчан бўлади, халқнинг ва айниқса, ёшларнинг эстетик тарбиясида катта ўрин тутади.

Қўшиқ айтиш инсондан бутун умрини, истеъдод ва меҳнат талаб қиладиган санъат. Қўшиқчилик санъатининг ўзига хос томонлари борки, бунда яхши овозга эга бўлиш билан иш битмайди. Табиат инъом этган хушовоздан тўғри фойдалана билмоқ учун бу санъат сирларини қунт билан, эринмай эгаллаб олишга тўғри келади. Қўшиқчилик сирларини эгаллашда вокал ижрочилиги фанининг роли алоҳида аҳамиятга эгадир.

Муסיқа ўқитувчиси талабаларга дарсда тўғридан – тўғри қўшиқ ўргатиб кетавермайди. У дарсда талабалар билан бирма – бир танишиб, уларнинг овоз имкониятларини кўздан кечириб чиққандан сўнг муסיқа санъати ҳақида қатор суҳбатлар ўтказиш керак бўлади. Бу суҳбатларда муסיқа санъати, айниқса, ёшларни эстетик жиҳатдан тарбиялаши хусусида иложи борица кенгроқ тўхталса, ўқувчиларнинг тасаввур доиралари бир мунча кенгайишга олиб келади.

Вокал дарслари давомида талабалар билан иложи борица яхши муносабатда бўлиш, уларни дарсга қизиқтира билиш зарур. Талабаларнинг психологияси ҳам ўзгарувчан бўлади. Шу сабабли ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз уларда кучли таасурот қолдирмоғи учун уриниш керак.

Ҳар бир гуруҳ репертуарига киритиладиган қўшиқлар эстетик, ғоявий – бадиий қимматига қараб танланмоғи, талабаларга тушунарли ва мавзу жиҳатдан хилма – хил бўлмоғи лозим. Вокал ижрочилиги фани репертуари мусиқа дарсининг иш фаолиятини, вокал раҳбарининг бу соҳадаги қобилият ва иқтидорини кўрсатувчи кўзгудир. Айниқса, меҳнаткаш халқ ҳаётига, она Ватанга, унинг табиатига аталган қўшиқлар ҳамда лирик ва ҳазил – мutoйиба қўшиқлар вокал дарсларида ўргатилиши мақсадга мувофиқдир. Дарсда ўзбек халқ қўшиқлари билан бирга чет эл композиторларининг вокализлари, асарлари, романсларини ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу қўшиқларнинг барчаси талабаларни ўз юртига муносабат ва садоқат, дўстлик руҳида тарбиялайди.

Вокал ижрочилиги ҳақида А.Ҳасановнинг “Мактабда ашула”, А. Шарафиевнинг “Хоршунослик”, Е.А.Гудкова ва А.Б. Васильеванинг “Ашула дарслари методикаси”, Л.Х.Қўлдошеванинг “Мактабда хор тўгараги” каби адабиётларда оз бўлсада тўхталиб ўтилган. Ана шу адабиётлар ва бошқа манбаалардан ижодий фойдаланган ҳолда “Вокал ижрочилиги” фанини ушбу ўқув қўлланмада ёритишга ҳаракат қилдим.

Биринчи бобни “Вокал ижрочилигифанининг мақсад ва вазифалари” деб номлаб, унда “Талабаларни эстетик руҳда тарбиялашда Вокал ижрочилигифанининг вазифалари”, “Ўзбекистонда вокал жанрининг ривожланиши” номли мавзуларни ёритишга уриниб кўрилди. Иккинчи бобни эса “Талабаларда вокал ижрочилигини шакллантириш – фанининг асосий мақсади” деб белгилаб, бу бобда “овоз апаратининг тузилиши ва унинг ишлаш тамойиллари”, “Нафас олиш органлари ва унинг қўшиқчиликдаги аҳамияти”, “Талабаларда вокал малакаларини шакллантириш ва ўстириш”,

“Вокал ижрочилигида мусиқа раҳбарининг вазифалари” ва шунга ўхшаш вокал асосларига доир масалаларни ёритишга ҳаракат қилинди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу ўқув-услубий қўлланмани ёритишда кўплаб методик адабиётлардан, рисоалардан, матбуотда нашр этилган мақолалардан, дарс кузатуви ва таҳлил натижаларидан, устоз педагогларнинг қимматли маслаҳатларидан фойдаланишга ҳаракат қилинди. Фикрларни вокал ижрочилиги мутахассиси сифатида эмас, балки оддий талаба мисолида тақдим этишга уринилди. Зероки, бугунги кунда талабанинг вокал ижрочилиги ўқувига педагогик нуқтаи назардан ёндошиш ҳар бир вокал ўқитувчисининг асосий вазифасидир.

Талабаларни эстетик руҳда тарбиялашда вокал ижрочилиги фанининг вазифалари.

Талабаларнинг эстетик, ғоявий ва бадиий тарбияси муфоффақият билан амалга оширилишида, хусусан, уларнинг замонамизнинг ҳар жиҳатдан етук, гармоник ривожланган диди баланд, табиати нозик, гўзалликнинг қадрига етадиган кишилар бўлиб етишишларида бадиий ҳаваскорликка ва кўшиқчиликка асос бўладиган вокал ижрочилиги фанининг роли аҳамиятлидир.

Олий ўқув юртларида талабаларнинг эстетик тарбиясини ривожлантиришда вокал ижрочилиги фанининг тутган ўрни, ўқув методик қўлланмалар билан таъминланганлиги, вокалистларнинг репертуарига танланган кўшиқлар, уларнинг ёш хусусиятларига мослиги, талабалар тарбиясига, айниқса, эстетик тарбиясига таъсири, педагоглар жамоасининг талабаларда вокал ижрочилиги билан эстетик тарбияни тараққий эттиришдаги иш тажрибаларини ўрганиш ва уларни умумлаштириш “Вокал ижрочилиги” фанининг олдидаги юксак вазифаларидандир.

Олий ўқув юртлари ёшларга изчил билим бериш билан бирга уларнинг қобилиятларини ҳам ўстирмоқда, талабаларни баркамол ривожлантириш юксак ахлоқий меъёрларда тарбиялашдек улуғвор вазифани адо этмоқда. Билим

даргоҳида вокал асосларини ўтишдан мақсад талабаларнинг эстетик қобилиятларини ўстириш, уларнинг истеъдодларини шакллантиришдан иборат.

Ўқув дастурларига мувофиқ талабаларни ўзбек композиторларининг вокал, шунингдек, ўзбек, рус, қардош ва чет эл халқларининг ижоди билан таништириш кўзда тутилади. Биринчи ва иккинчи босқич талабаларида вокал малакалари ҳосил бўла бошлайди, юқори босқич (курс) ларда бу малакалар шаклланади ва ўсади. Вокал дарслари жараёнида талабаларга турли хил вокализлар ва композиторларнинг ёшларга атаб ёзган асарлари ўргатиб борилади.

Талабаларнинг вокал санъати сирларини эгаллаб, ўзларидаги талант куртакларини ўстиришлари ва келгусида янги вокалист бўлиб етишиб, маданиятимиз ривожиги муносиб ҳисса қўшишлари кўп жиҳатдан раҳбарнинг хизмати ва ташаббусларига боғлиқдир.

Талабаларнинг вокал машғулотларда қатнашишлари уларнинг тушунча доираларини янада кенгайтиради, истеъдод куртакларининг гул очиши жараёнини тезлаштиради, маънавий камолот сари етаклайди. Шунинг учун ҳам ўқув даргоҳларидаги ўтилаётган вокал ижрочилиги фанининг зиммасида турган вазифалар ниҳоятда муҳим маъсулиятдир. Бу вазифани адо этишда барча имкониятлар ва воситаларни ишга солиш, резервларидан унумли фойдаланиш таъсиридан усуллар излаб топиш ва самарадорликка эришиш талаб этилади.

Таълим олаётган талабаларни она Ватан ва халқимизга меҳру муҳаббат ва садоқат руҳида тайёрлашда, уларнинг қардош халқларга нисбатан дўстлик ва биродарлик туйғуларини кучайтиришда вокал ижрочилиги фани муҳим роль ўйнайди. Вокал ижрочилиги фанининг машғулотлари ҳам бошқа машғулотлар сингари ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришга ҳизмат қилиши, бу нарса вокал ижрочилиги ишининг асосий ўзаги ҳамда моҳиятини ташкил қилиши лозим. Шу сабабли вокал ижрочилиги ўқитувчиси зиммасига улкан масъулият юкланади, ундан талабаларнинг тақдирига қайғуриш, унга бефарқ қарамаслик талаб этилади. Чунки талабаларнинг эстетик тарбияси, гўзалликка

муносабатлари, маънавий юксалишлари, истеъдодларнинг йўналиши асосан, педагогнинг тажрибаси, жонкуярлиги ва маҳоратига боғлиқдир.

Вокал ижрочилиги машғулотида талаба ўрганиб олган ҳар бир қўшиқ унинг маънавий оламини бойитиб, Ватанга бўлган меҳрини оширади. Қўшиқнинг матни ижрочига тушунарли ва завқли бўлган тақдирдагина талаба уни тезда ёдлаб, мусиқасини ҳам ўзлаштириб олади, нозик томонларини енгил илғайди, сеҳрини сезади. Шундан сўнг уни севиб ижро қилишга киришади ва бошқаларни ҳам завқлантира олади.

Машғулотга кирувчи ҳар бир талаба она Ватан ҳақидаги янги қўшиқни ўрганиши билан унинг Ватан ҳақидаги тушунчалари янада кенгайиб, тасавури бойийди. Унга ўргатиладиган асар ҳар жиҳатдан сайқал топган, ғоявий – бадиий жиҳатдан етук ва ёшига муносиб бўлиши керак.

Вокал ўқитувчиси талабаларга бирор вокализ ёки қўшиқни ўргатишидан олдин унинг муаллифи, асар қачон яратилганлиги ва кимга, қайси мавзуга бағишланганлиги хусусида сўзлаб, унинг тарбиявий аҳамиятини ҳам тушунтириши керак. Қўшиқ муаллифи бўлган бастакор ва шоир ҳақидаги ҳикоя эса ўқувчиларнинг қўшиқ ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтиради.

Вокал ўқитувчиси ўз ишида талабаларда мусиқанинг сезиши, ритм туйғуси ва мусиқа хотираларини ўстиришга алоҳида эътибор бериши керак. Мабодо бу компонентлардан биронтаси унитиладиган ёки эътибордан четда қоладиган бўлса, ишга катта зиён етади, чунки бу компонентларнинг ҳар бири хонандани шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Вокал ижрочилиги машғулотида махсус ажратилган, чиройли безатилган, эстетик жиҳатдан яхши, бадиий дидга ҳам мувофиқ ҳолда жиҳозланган хоналарда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу хоналарда техника воситаларини, маданиятимизнинг таниқли намояндаларининг портретларини, вокал санъати, мусиқага оид адабиётлар, чиройли плакатлар, стендлар ва бошқа материалларни қўйиш мумкин. Ҳар жиҳатдан яхши ва чиройли қилиб безатилган ҳамда кўнгилни яйратадиган бундай хоналар аъло ижодий вазиятни

вужудга келтиради, талаба руҳига ижобий таъсир кўрсатади, бадиий дидни оширишга кўмаклашади.

Вокал ижрочилиги бўйича репертуардаги энг яхшилари манзур бўлганлари пухта танлангандан сўнг талабаларга ўргатилади. Шунинг учун фаннинг дастуридаги асарлар миқдори кўп ва ранг баранг бўлиши, унинг ижролари доимо мувоффақиятли ўтиши ва ҳаммада чуқур таассурот қолдириши лозим.

Талабаларда эстетик дидни тарбиялаш кўп жиҳатдан вокал ўқитувчисининг ўз иш фаолиятига қўллайдиган методикасига боғлиқ. У иш бошлашдан аввал талабалар билан бирма – бир ва яхшилаб танишиши ҳамда дарсда масъулият сезган ҳолда иш олиб бориши зарур.

Талабаларнинг дарсда қўшиқ ўрганишлари мунтазам, тўғри ташкил этилиши уларнинг дарсда ўрганганларини бир – бирлари билан ўртоқлашишларига қулайлик яратадики, бунинг ишга фойдаси катта. Бинобарин, ҳар бир талаба дарсда ўргатилаётган қўшиқнинг оҳангини ўзига қабул қилади, ўзлаштиради. Унинг бу борадаги хато ва янглишуви педагогга ҳам, теварак атрофдагиларга ҳам маълум бўлади. Дарсда ўзаро алоқа ва ҳаракатнинг яхши йўлга қўйилиши ишга бундай хатоларнинг вақтида олдини олим имкониятини беради. Талабаларнинг таассуроти кучли, билиш имкониятлари кенг бўлади. Шу сабабли вокал ўқитувчиси бундан моҳирлик билан фойдаланиши зарур.

Вокал машғулотларида ижрочилар ҳам, тингловчилар ҳам эстетик кечинмалар ҳис қиладилар. Бунинг учун қўшиқ ижрочилари айтилаётган асарнинг моҳиятини чуқур очиб беришлари, ижрода маҳорат кўрсатишлари лозим. Шундагина кутилган натижага эришилиб, ижрочи ҳам, тингловчи ҳам зақланади, асарнинг ҳам таъсир кучи ошади, тингловчи қалбида жўшқин ҳис – туйғулар уйғотади. Бу эса ўз навбатида вокал ижрочисини тарбиялаш билан бир қаторда бошқаларга ҳам эмоционал туйғу тарбиясини йўлга қўйишига хизмат қилади. Ўз моҳиятига кўра эстетик туйғуларни ўстиришга қаратилган бу тарбия қўшиққа ижодий муносабатда бўлиш, ундаги сўзларни тўғри айтиш ва

унинг таъсирчанлигини оширишни тақазо этади. Шундагина қўшиқ айтиш чинакамига эстетик тарбия жараёнига айланади. Бу масала талаба овозларини тарбиялаш нуктаи назаридан ҳам асарга эмоционал муносабатда бўлиш нуктаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Талабанинг овозини тўғри тарбиялаш, унинг мусиқа сезгирлигини ҳар томонлама ривожлантириш вокал ўқитувчисининг биринчи навбатдаги вазифасидир. Вокал ижрочилиги жараёнида бу вазифанинг тўғри бажарилиши ҳар бир талабадаги мусиқа сезгисининг ўсишини таъминлашга яхши ёрдам беради. Ундан қобилиятни тўла тўқис намоён бўлишига кенг йўл очади.

Вокал ижрочилиги дарсларини мусиқа материалларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз мусиқа материаллари деганда талабаларга ўргатиладиган асарнинг матни ва унга ёзилган мусиқани кўзда тутамиз.

Вокал ижрочилиги дарсларига қатнашаётган талабаларга тўғри келган қўшиқни ўргатабериш ярамайди. Бунда, юқорида қисман тўхталиб ўтганимиздек, талабаларнинг овоз имкониятлари ва мусиқа қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади. Вокал ўқитувчиси ёш вокалистларга ўргатиладиган қўшиқларни танлаганда биринчи навбатда унинг тарбиявий аҳамияти, ғоявий – бадий қиммати ва эстетик хусусиятини кўзда тутмоғи лозим. Бу тадбир талабаларнинг эстетик диди ва қобилияти ҳамда овози меъёрий ўсишига олиб келади.

Бу соҳадаги яна бир жиддий камчиликни айтиб ўтиш лозим. Олий даргоҳда айрим вокал ўқитувчиларининг саводи етарли эмас, уларнинг ўқув малакаси паст бўлгани туфайли вокал дарсларини номигагина ўтади, нота саводини ўтмайди, баъзилари хатто нотани билмайди. Улар пианино у ёқда турсин, бошқа мусиқа асбобларини чалишни ҳам билмайдилар. Уларда репертуар танлаш, талабаларнинг вокал имкониятларини ҳисобга олиш деган нарсини ўзи йўқ, талабаларбоб қўшиқлар назар – эътибордан четда, қулоққа чалиниб қолган яхшими – ёмонми ўргатилаверади. Унинг тарбиявий аҳамиятига сира ҳам эътибор берилмайди.

Олий таълим талабаларига ўқув фанлари қаторида музика назарияси ва сольфеджио фанларининг ўқитилиши вокал ижрочилиги ишини анчагина енгиллаштиради. Талабаларнинг саводли бўлиши қўшиқ нотасидаги музика белгиларини ўқишларига имкон яратади. Бу ҳам вокал дарсларининг кўрсатмали материаллар ва музика иллюстрацияларидан фойдаланган ҳолда олиб борилишини таъказо қилади.

Вокал ижрочилари навқирон ёшда бўлганликларидан ҳар нарсага қизиқаверадилар, қулоқларига яхши эшитилган қўшиқларни ўзларича айтишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун вокал ўқитувчиси материал танлашга алоҳида эътибор бериши лозим. Танланган қўшиқ материали қанчалик оригинал ва жозибали бўлса, ўқувчиларни шунча ўзига тортади. Бу қўшиқни ижро этган ҳар бир талабанинг қалби Ватанимизга меҳр – муҳаббат ва ундан фахрланиш ҳиссига тўлиб тошади.

Вокал ижрочилиги ва унинг ривожланиши

Вокал ижрочилиги ҳозирги кунда кенг тарқалган асл халқ саноати турларидан биридир. Вокал ижрочилиги одамларда чуқур эстетик завқ уйғотибгина қолмай, инсоний ва маънавий савиясини, бадиий дидини оширишга ёрдам беради. Вокал жанри хонандалик жозибаси билан хайратга солувчи ўзига хос санъатдир. У инсоннинг энг яхши ҳис туйғуларини уйғотиб, ҳаяжонлантириш, қизиқтириш хусусиятига эга, шу сабабдан вокал ижрочилари билан бир қаторда тингловчиларнинг ҳам бадиий – ғоявий тарбияланишидаги роли жуда катта.

Тарбия воситаси сифатида хор ижрочилигининг анъаналари қадим даврларга бориб тақалади. Халқимизнинг воқеаларга бой бўлган бутун тарихи қўшиқ билан боғланган ва унда ўз аксини топган. Қўшиқда ва айниқса, вокал ижрочилардаги асарда умуман бир томондан инсонни жонлантирувчи ва ботинан ҳаракатга солувчи сифатлар бўлса, бошқа томондан меҳнатни ташкил қилишга, бирдамлик билан бирор мақсадга эришишга ундовчи ҳислатлар бор.

Шунинг учун меҳнат аҳли иш жараёнида иш кучини бирлаштириш учун қўшиқлардан кенг қўламда фойдаланадилар, ана шунинг учун ҳам мусиқий гуруҳларда қўшиқни жорий қилиш талаб этилади. У бир қанча алоҳида туйғуни ягона кучли туйғуга бирлаштиради ва бир қанча қалбни ягона, теран ҳис қилувчи қалбга айлантиради, кўпчиликнинг кучи билан билим олиш машаққатлари устидан ғалаба қозониши бу жуда муҳим. Бу мулоҳазалардан қуйидагича мулоҳаза қилиш мумкин: талабаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари ва жамоа бўлиб бирлашиш каби хислатларини тарбиялашда вокал ижрочилиги жуда катта аҳамиятга эга.

Вокал санъати бир томондан ижрочиликнинг энг оммовий шакли бўлса, бошқа томондан аксарият хислатлари билан ўзига хос индивидуал характерга эга. Ижрочилик маҳорати, куйлаш усули, репертуари, вокал ўқитувчисининг қобилияти каби индивидуал характердаги хислатлар вокал жамоасининг ижодий “қиёфа”сини бошқасидан ажратиб туради.

Вокал ижрочилиги мусиқа санъати тури сифатида икки – академик ва халқ ижрочилиги йўналишларида ривожланиб келмоқда. Куйлаш усули, товуш ҳосил қилиш характери, овозларнинг тембр турланиши, ижрочилигини техникаси усуллари ва ифодалаш воситаларининг имкониятларига қараб вокал ижрочилиги услуби аниқланади. Академик вокалнинг асосий вазифаси ўзбек, рус ва чет эл классик асарларининг энг яхши намуналарини ижро этиш ва тарғиб қилишдан иборат. Бу асарлар ижрочининг академик услубига тўғри келади ва академик вокал хонандалиги мактаби ҳисобланади. Асарлар вокал ўқитувчисининг бошчилигида ва фортепиано жўрлигида ижро этилади.

Юртимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб иқтидорли ёшларнинг ижодий ютуқларини янада ривожлантириш, тарғибот – ташвиқот қилиш учун имкониятларнинг кенгайганлиги, миллий таълим тизимининг чуқур ислоҳ қилиниши вокал педагогикасининг вазифасидир.

Тарихимиз тараққиётларида мусиқа санъатининг барча жанрлари қаторида қўшиқчиликнинг ҳам ўзининг маълум тарихига эгадир. У она

алласидан бошланиб, оламга машхур, етук кўшиқчи даражасига эришган буюк сиймоларнинг босиб ўтган йўли каби узоқ даврни ўз ичига олади.

Муסיқамиз тарихида санъатнинг бу турига бағишланган жуда кўп маълумотлар, уни ривожлантириш йўлида ёзилган илмий – методик қўлланмалар, тавсияномалар, тўпламлар ҳам анчагина мавжуд. Шу билан бирга кўшиқчиликнинг миллий хусусиятлари – ю, уни янада ривожлантириш борасида эришилган тажрибаларни кенг ўқувчилар оммасига ёйишда ва ўзлаштиришда эҳтиёж сезган талабаларга кўмакдош бўладиган асарларни яратиш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир. Бундай асарларни бир тўпламга жо қилиб, тўпламга атоқли бастакорлар яратган, халқ оммаси орасида оммалашган кўшиқлар намуналари ўрин олган бўлиши зарур. Вокал жанри санъати бўйича ўқитиш махсус ўқув даргоҳларида айтим дарсларида олиб борилади. Унда овоз ҳосил қилиш малакалари билан тортиб, хонандалик санъати қамраб олинади.

Маълумки, ҳар қандай санъат ўз – ўзидан ривожланмайди. Унга халқ ҳаёти, воқеликдаги жўшқин ўзгаришлар, жамият ривожига воқеалар таъсир бериб, уни йўлга солиб, ривожлантириб туради. Чунки санъатнинг ҳам ифода объекти халқ ҳаёти, унинг ишлари, ўсиш – ўзгаришдаги муваффақиятларидир. Санъат халқ ҳаёти билан қанчалик чамбарчас алоқада бўлса, у шунчалик ривож топади, асарлари ҳаётий бўлиши таъминланади, яшовчан бўлади ва халқ муҳаббатини қозонади.

Ўзбек санъатининг ҳозирги аҳволига назар ташлайдиган бўлсак, вокал жанри ҳам жадал тараққий этаётганининг шоҳиди бўламиз. Муסיқамизнинг унисонлик даражасидан симфоник даражасига, приматив театр томошаларининг балет, опера савиясига етишганлиги, хуллас барча турлар бўйича янгидан янги жанрларда жуда кўплаб асарлар вужудга келганлиги санъатимиз юқори босқичга кўтарилганлигидан далолат бериб турибди. Вокал жанри бўйича мувоффақиятларимизнинг ўзи ҳам ҳар қанча тахсинга сазовордир.

Вокал жанри аслида профессионал санъатни озиклантириб турадиган ҳаётбахш манбалардан биридир. Шунинг учун ҳам вокал жанри санъати юксак даражага кўтарилган жойда профессионал санъат кадрлари ҳам кўп етишиб чиққан бўлади. Чунки вокал жанри ўзининг энг яхши вакиллари профессионал санъатга узатиб, унинг сафини бойитиб туради. Вокал жанри профессионал санъат талантларининг сарчашмаси, аниқроғи буюк санъат даргоҳига олиб ўтадиган ўзига хос бир кўприкдир.


Вокал жанри йиллир ўтиши билан ҳар жиҳатдан ўсади ва такомиллашади. Айниқса иккинчи жаҳон уришидан кейинги йилларда анча ривож топди. Вокал жанрининг туман, вилоят, республика миқёсидаги кўрик ва танловлари ўтказилиб келинаётган эстетик тарбия соҳасидаги ишларнинг анчагина жўнашиб кетишига амалий ёрдам берди. Оқибатда халқ орасида анча – мунча хушовоз хонандалар борлиги аниқланди, уларнинг кўрик ва танловларда чиқишлари яхши баҳоланди.

Ўқувчиларнинг эстетик, ғоявий – бадиий тарбиясининг мувоффақият билан амалга оширилиши, замонамизнинг ҳар жиҳатдан етук, гармоник жиҳатдан камолга етган, таъби нозик, гўзалликнинг қадрига етадиган эстетик дидли кишилар бўлиб етишишларида вокал тўғаракалри ва вокал ижрочилги дарслари кўп ишларни бажаради. Чунки талаба мусиқа гуруҳига киргандан кейин ундаги истеъдод куртаклари бўрта бошлайди. Вокал ўқитувчилари талабадаги иштиёқ нимага мойиллигини аниқлаб, уни муайян тўғаракка жалб этадилар. Бу эса талаба истеъдодининг тўғри йўлга тушиб олишини таъминлайди. Хуллас, республикамизда санъатнинг барча жанрлари сингари вокал жанри бўйича муносиб кадрлар етишиб чиқиб, ўзбек санъати довруғини жаҳонга таратмоқдалар.


Вокал ижрочиларининг овози ва унинг тавсифи

Вокал ижрочиси юксак ижрочилик сифатларига эга бўлиши зарур. Ижрочилар овозининг хусусиятларини яхши билиш мусика раҳбари учун мувоффақият гаровидир. Ижрочи (вокалист) овози физиологик тузилишига қараб болалар, аёллар, эркаклар овозига бўлинади.

Болалар овозида товуш ўзининг енгиллиги, тиниқлиги, ёқимли жарангдорлиги ва нозиклиги билан ажралиб туради. Болалар овозига иккига - дискант ва альтга бўлинади. Дискант болаларнинг баланд овози бўлиб, диапозони яъни ҳажми биринчи октава до товушидан иккинчи октава соль товушигачадир.



Альт болаларнинг паст овози бўлиб, диапозони кичик октава ля товушидан иккинчи октава ми товушига қадардир.



Болаларнинг овоз хусусиятларини аниқлашда ҳар бир ёшнинг ўз хусусиятига эга бўлган ишчан диапозони (примар зонаси) борлигини яъни энг қулай ва кўп ишлатиладиган товушлар борлигини ҳисобга олиш зарур. Бу репертуар танлашда ва болалар овозини тўғри тарбиялашда катта ёрдам беради.


7 – 10 ёшли болаларнинг овоз диапозони анча кенг бўлиб, у кичик октава ля дан иккинчи октава ре гача бўлган бўлган оралиқни ташкил этади.

11 – 13 ёшда болаларнинг ишчан диапозони кенгайган бўлиб, биринчи октава до дан иккинчи октава ми гача (ҳатто фа га қадар) боради. Айниқса ўғил болалар овози 11 ёшларга бориб тўлиқроқ садоланади ва тембр жиҳатидан аниқликка эришади: дискантларда сезиларли ёрқин, тиниқ садо, альтларда эса бўртирилган ва теран садо пайдо бўлади.


Мутация даврида ўғил болаларда овоз кўлами чегараси кескин ўзгаради, овоз бўғиқ, интонацияси ноаниқ, тез чарчайдиган бўлади. Бу мутация жараёнининг қандай ўтиши билан боғлиқдир.

17 – 18 ёшларга келиб овоз кучи катталар овози кучига яқинлашади ва 20 ёшларга бориб тўлиқ шаклланади.


Аёллар овозида колоратурали ва лирик – колоратурали сапранолар энг енгил ва ҳаракатчан овозлар бўлиб, юқори регистрлардаги товушларнинг тиниқ, жарангдор ва ёрқинлик хусусиятига эгадир. Техник имкониятлари ва тембр жиҳатидан флейта овозига яқин бўлиб, ўта ёрқин тебранади. Колоратурали ва лирик – колоратурали сопрано асосан яқка хонандаликда – опера партиялари, романс ва лирик кўшиқлар ижросида ишлатилади. Овоз ҳажми биринчи октава до дан учинчи октавадаги фа (гоҳи соль) га қадардир.



Лирик – колоратурали сапрано илиқ ёқимли тембрга эга бўлиб, юмшоқ садоланади. Ўрта ва юқори регистрларда таъсирчан ифодали товушларга эга. Учинчи октава до товушигача.




Лирик – драматик ва драматик сопрано овоз ҳажми тўлиқ, бўртирилган, кучли садоси билан ажралиб туради. Диапозони кичик октава си, асосан, биринчи октава до товушидан иккинчи октава ля гача.



Лирик ва драматик меццо – сопрано драматик сопрано ва контральто ўртасидаги овоз бўлиб, паст (кўкрак) регистрдаги товушларга эга. Тембр жиҳатдан тиниқ ва чиройли ҳисобланади. Шунингдек лирик меццо – сопрано овози майин ва ҳаракатчан юқори регистрларга ҳам эга. Лирик ва драматик


меццо – сопрано овозларнинг диапозони кичик октава ля товушидан иккинчи октава фа га (ўткинчи товуш сифатида иккинчи октава соль товушига) қадар бўлади.




Контральто аёлларнинг энг паст овози бўлиб, қуюқ тембрга эга, асосан паст (кўкрак) регистрдан иборат контральто жуда ҳам ноёб овоз бўлиб, ундан кам ҳолларда қўлланилади. Диапозони кичик октава фа товушидан иккинч октава ми товушгачадир.



Эркакларда тенор альтино эркакларнинг энг баланд овози бўлиб, енгил ва нозик тембрга эга. Ёрқин фальцетли садоланиши унинг ўзига хос хусусиятидир. Лирик тенор енгил, равшан, нафис тембрга эга ва ўта ифодавийлиги, техник жиҳатдан ҳаракатчанлиги билан ажралиб туради. Диапозони биринчи октава до товушдан учинчи октава до товушгачадир.



Лирик – драматик ва драматик тенор кучли, тўлиқ ва ширали овозлар ҳисобланиб, паст регистрда тўла ва аниқ садоланади. Унинг диапозони биринчи октава до товушидан иккинчи октава ля (си) товушгачадир.




Характерли тенор опера амалиётида учрайди. Бу овозга “чуқур таъсирчан” характерли элементларга эга кичик партиялар топширилади.

Лирик баритон тенор ва бас овозлари ўртасидаги овоз бўлиб, куйчан, оҳангдорлиги ва юмшоқлиги билан ажралиб туради. Садоланиш бўйича тенорга яқин туради. Ривожланган ва ёрқин юқори регистрга эга. Диапозони


катта октава ля товушидаги биринчи октава соль товушига қадардир.




Драматик баритон садоланиши жиҳатидан бас овозига яқин туради. Унда кучли жарангдорлик ва ижродорлик мужассам. Диопозони лирик баритондагидек, пастки регистри янада таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Овоз ҳажми катта октава соль товушидан биринчи октавадаги фа товушигачадир.




Бас баритон ёки бас – кантанто – баланд, куйчан бас. Унинг паст товушлари кучсиз, юқори товушлари эса эркин ва ширали эшитилади. Диапозони катта октава соль товушидан биринчи октава фа товушигача қадар.




Бас – профундо – “чуқур” бас паст регистрда тўлиқ ва паст садоланади. Ҳозирги вақтда бу овоз деярли учрамайди. Диапозони контроктавадаги ля товушидан биринчи октава до товушигача



Эркакларнинг энг паст овози октавачилар ҳисобланиб, II бас партия туркумига киради. Одатда октавачилар 2 – 3 кишидан иборат гуруҳни ташкил этади. Октавачиларнинг бас партияси диапозонини бир октава пастга кенгайтириш имконини беради. Бас октавачилар асосан, (a cappella) жўрсиз хор учун ёзилган асарларда ишлатилади. Бу овоз асар садосига теранлик ва тўлақонлик бахш этади. Кўпинча бу овозлар қуйидаги ҳажмда ишлатилади:



Марказий бас – бас - профундо ва бас кантата орасидаги овоз. Энг жарангдор, кучли қисми унинг маркази бўлганлиги учун номи шундай аталган. Ишчан диапозони катта октава сол дан биринчи октава до гача бўлиб, яхши ва ширали эштилади. Тўлиқ овоз ҳажми эса катта октава ми товушида биринчи октава ми гача боради.



Бас – буффо ёки ҳарактерли бас – махсус овоз тури бўлиб, диапозони кучли, таъсирчан ва ифодалиги билан ажралиб туради. Баснинг бу тури юқорида таърифлаб ўтилган бас овозларнинг ҳар бирига тааллуқли бўлиши мумкин. Одамда учрайдиган бу овоз турини комик (буфф) бас деб ҳам аташади.

Қўшиқчининг овоз устида ишлаши

Муסיқа санъати орқали ёш авлодни маънавий тарбиясига ғамхўрлик қилиш, камолот сари етаклаш, миллий ғояни сингдириш ва тафаккурни кенгайтириш борасида хилма – хил кўрик танловлар ўтказилмоқда. Бу кўриклар эса ўз навбатида янги – янги ижрочи хонандаларни кашф этаётир.

Куйлаш назарияси бўйича адабиётлар талайгина, бироқ бу вокал иши амалиётига кам таъсир этади: қўшиқчилик ҳаёти ундан деярли холи, ўз йўлидан кечади.

Куйлаш тажрибаси, асосан, педагоглар, вокал иши усталари тажрибасини оғзаки баён этишдан фойдаланади. Қўшиқчи ва унинг овозини тарбиялаш бўйича актёр билан ишлаш методига ўхшаш қандайдир умумий метод яратилмаган, куйлаш усталаридан ўз амалий фаолиятини назарий жиҳатдан чуқур англашни талаб қилиш қийин. На ҳофиз, на ёзувчи, на чолғучи, на мўйқалам соҳибидан истеъдодли ва улкан тажрибаси бўлса ҳам назария яратишни талаб қилиб бўлмайди.

Шу ҳолат қўшиқчилар тайёрлашнинг “ягона методини” ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрларни келтириб чиқаради.

Бироқ бу каби методни яратиш вокалчилардан юксак уюшқоқлик талаб этилади. Вокал ўқитувчилари куйлаш пайтида овоз аппарати иши ҳақидаги батафсил текширилган илмий маълумотларга асосланган илмий хулосаларга келгандагина “ягона метод” ишлаб чиқиши ва вокал амалиётига тадбиқ этилиши мумкин.

Куйлашга ўргатишнинг фойдали, демакки, ҳамма мақбул методи энг яхши вокал педагоглари ва етук ижрочилар тажрибаси ва амалиётида чуқур, ҳар томонлама умумлаштириш натижасидагина яратилиши мумкин. Бундай умумлаштириш фан маълумотларига таяниши лозим. Бугунги кунда на илм, на педагогларга ажойиб мусикий эшитиш қобилияти мавжудлиги ўқувчига овознинг яхши ё ёмон чиқиши объектив сабабларини тушиниш имкониятини бера олади. Устига – устак педагог ва ўқитувчининг субъектив туйғулари кўпинча мос келмайди. Овоз (товуш) бўлишидаги туйғуларини сўз билан ифодалаш эса ўта мушкул. Замонавий вокал терминалогияси ҳам баъзида талабага ёрдам беришдан кўпроқ, уни чалғитади. Керакли овозни чиқишини кўрсатиш чоғида ўз туйғуларини шарҳлаб, педагог талабаларга ўхшаш туйғуларни уйғотмоқчи бўлади. Бироқ кўпчиликдаги оҳангни кўрсатаётиб, педагог, одамда, бу товуш (овоз) ўқитувчига айтаётган туйғу ва техник усуллар натижасида юзага келганига ишонади. Аслида эса туйғулар жуда алдамчи ва индивидуал, ўқувчи – талабада бу бошқача бўлиши мумкин.

Ўз техник усуллари ва туйғуларини бериш жараёнида педагог кўпроқ оғзаки тушунтиради. Бу тушунтиришлар кўпинча образли ифодалар бўлиб, куйловчи овознинг яхши тарангини ёки бу тарангнинг турли сифатларини характерлайди. Талаба эса бу образли ифодаларни ўз мушак туйғулари (ҳислари)га “таржима қилиши” га тўғри келади. Ҳамма вақт ҳам талаба бу “таржима”ни еплай олмайди.

Куйлаш чоғида овоз аппарати иши ҳақида у қадар тўғри бўлмаган тасаввурга асосланган таълим меътодлари базида педагогнинг амалий тажрибаси ҳисобига яхши натижа беришини инкор етиб бўлмайди. Бироқ бу кўрсаткич паст.

Бу методлар мувоффақиятини, афтидан, айрим қўшиқчиларнинг ўз устози ишлатган мушак усулидан нусха олиш ёки ўз тасаввуридаги овознинг чиройли чиқиши идеалининг интуитив амалга ошира олиш қобилияти билан изохлаш мумкин. Педагогик овознинг яхши жарангидан нусха олиб, қўшиқчи, хатто куйлаш жараёнини нотўғри шархлаганда ҳам ўзининг вокал идеалига мос овозни таъминлайдиган мушак кўникмаларини ҳосил қилади.

Муסיқий тарбиянинг муҳим вазифаларини амалга оширишда, ёш авлодни юксак мусиқий – эстетик дидини шакллантириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш, ижро маҳоратини юзага келтиришда вокал ўқитувчиси алоҳида аҳамият касб этувчи шахс ҳисобланади.

Ўқитувчи зиммасига юкланадиган бундай масъулиятни ҳисобга олган ҳолда бўлажак мусиқа ўқитувчилари, бакалавр талабаларнинг профессионал укувини такомиллаштириб бориш, хусусан уларнинг куйлаш маҳоратини ўстириб бориш ҳаётий зарурат эканлигини англаб олиш муҳимдир.

Олий мусиқий таълим даргоҳида бўлажак бакалаврларни касбга тайёрлар экан, уларнинг куйлашга ўргатувчи якка хананда, вокал ўқитувчиси талабаларнинг ҳар бирини эртага излаб ўқувчиларга вокал сирларини ўргатувчи устоз сифатида тасаввур қилиш, уни куйлаш санъатининг энг муҳим сирлари билан қуроллантиришлари лозим.

Бўлажак мусиқа ўқитувчиси яъни талабанинг овози қандай бўлиши керак? – деган савол туғилиши ўз – ўзидан табиийдир.

Талабанинг овозига қўйиладиган биринчи навбатдаги талаблар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўқитувчи – талаба фақат техникасини эгаллабгина қолмай, унинг овози ёқимтой ва ўқувчиларни ўзига тортадиган бўлиши.
2. Талаба бирон чолғу созида (фортепиано, рубоб, дутор ва хоказода) ўз – ўзига жўр бўлиб куйлай олиши.
3. Чолғу созисиз ҳам чиройли, ёқимли тембрда куйлай олиши.
4. Ўз овоз диапозонининг барча регистрларида (ўрта, паст ва юқори) бирдай ўз овоз тембирини йўқотмасдан куйлай олиши.

5. Ҳиргойи қилиб ёки фалцет овозда куйлай олиши.

6. Куйлаганда интервалларни тўғри талаффуз қилиб куйлай олиши.

7. Халқ кўшиқларида турли қочиримларни, безакларни маҳорат билан қўллай олиши.

8. Турли динамик тусларда куйлай маҳоратига эга бўлиши.

9. Ўқувчилар билан мулоқотда ўз овоз тонини тўғри танлай олиш лозим.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятлар талабанинг куйлаш техникасини қай даражада мукаммал эгаллаганлигини кўрсатади. Хилма – хил вокал малакаларига талаба, биринчи навбатда профессионал ўқитувчилардан таълим олиш жараёнида эришадилар. Хусусан, вокал, мумтоз кўшиқчилик, хор ва халқ кўшиқчилиги дарсларидан пухта билим олган талабалар соатлаб чўчимасдан куйлаш малакаларини яъни чидамлилиқни ҳам ўрганиб борадилар.

Вокал мутахассислари талабаларда профессионаллик малакаларининг ривожланишида уч давр мавжудлигини таъкидлашади.

Биринчи давр – тўғри овоз ҳосил қилиш малакаларининг дастлабки шаклланиш даври бўлиб, талаба овоз ҳосил қилишни эндигина билиб олган давр ҳисобланади.

Иккинчи давр – куйлашнинг ҳосил бўлган тўғри йўлини сақлаб қолиш, уни овоз диапозонининг барча регистрларига жорий этиш, айрим йўл қўйилаётган камчиликларни тўғрилаб бориш ва эгаллаган дастлабки малакани мустаҳкамлаш.

Учинчи давр – овоз ҳосил қилишнинг эндигина шаклланган малакаларини автомат даражасига етказиш, камчиликларни тамоман бартараф қилиш, овоз ҳосил қилиш аппаратларини ишга солишнинг хилма – хил вариантларини қўллай олишга ўргатиш.

Мумтоз кўшиқчилик билан шуғулланаётган талабалар учун, айниқса, учинчи даврда қилинадиган ишлар кўпаяди. Ашулачиликка хос миллий безакларни қўллай олиши: нола, қочирим, овозни ёйиш, тебрантириш, товлантириш, салмоқлаб меёрига етказиш каби мураккаб безаклардан фойдаланишнинг янги – янги вариантларидан фойдаланиш йўллари излаш

йўлидаги янги ҳаракатлар, хонанданинг ўз мустақил услубини яратишга ҳам олиб келиши мумкин.

Ўз устида ишлашни тўхтатган ҳофиз, ашулачи ўсишдан ҳам тўхтайди. Вокал ёки мумтоз ашулачининг ўзи ҳам ўз овозини тарбиялаш устида тинимсиз иш олиб бориши талаб этилади.

Шу ўринда машҳур ашулачи Шаляпиннинг қўшиқчиликка хос муҳим башоратини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Унинг фикрича ҳар бир ашулачи ўз ичини икки кишига бўлгандек ҳис қилиши лозим. Биринчи ашулачи сифатида у профессионал даражада куйласа, иккинчи ашулачи сифатида у ўз ижросини мунтазам назорат қилиб бориши, ўзининг ютуқ ва камчиликларини белгилаб, уни тузатиш йўллариини ўйлаб бориши лозим. Бу эса, куйловчига янада каттароқ масъулият юклайди.

Нафас олиш органлари ва уларнинг қўшиқчиликдаги аҳамияти.

Одам ва ҳар бир бошқа тирик организм ташқи муҳитдан кислород қабул қилиб, карбонат ангидрид газини чиқариб туриши нафас олиш дейилади. Нафас олиш ҳар бир тирик организмнинг ҳаёти учун энг зарур физиологик жараён ҳисобланади.

Нафас олиш жараёни қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Ўпка альвеолари ва ташқи муҳит ўртасида кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви (ташқи нафас олиш).
2. Ўпка альвеолари ва ўпканинг капиляр қон томирлари ўртасида кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви.
3. Қон ва тўқималар ўртасида кислород ва карбонат ангидрид алмашинуви (ички нафас олиш).

Нафас олиш орқали ташқи муҳитдан қабул қилинган кислород иштирокида ҳужайра ва тўқималарда оқсил, ёғ ва углеводлар оксидланиб, энергия ҳосил қилади. Ҳужайра ва тўқималардаги барча ҳаётий жараёнлар (қўзғалиш, ҳаракатланиш, кўпайиши) ана шу энергия ҳисобига амалга ошади.

Бу ҳаётий жараёнлар натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидрид гази ҳужайра ва тўқималардан қонга ўтиб, ўпкалар орқали ташқи муҳитга чиқарилади.

Нафас олиш органларига – бурун бўшлиғи, ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар, ўпкалар ва плевра пардалари киради.

Бурун бўшлиғи. Бурун бўшлиғи юқори, пастки ва иккита ён девордан ташкил топган. Бурун бўшлиғи ўртасидан иккига бўлинган. Унинг ички юзаси шилимшиқ парда билан қопланган. Бу пардада жуда кўп майда безчалар бўлиб, улардан шилимшиқ суюқлик ажралади. Шиллиқ парда майда қон томирлари ва асаб толаларига бой. Бурун бўшлиғининг олдинги қисмида майда тукчалар бўлади. Улар нафас олинадиган ҳаво таркибидаги чанг заррачаларини тутиб қолиб, организмни ҳимоя қилиш вазифасини бажаради.

Нафас олганда ташқи муҳитдан кирган ҳаво бурун бўшлиғи орқали ўтганда илийди, намланади ва чанг заррачаларидан тозаланади. Шундан кейин бу ҳаво ҳалқум орқали ҳиқилдоққа ўтади.

Ҳиқилдоқ. Ҳиқилдоқ IV – VI бўйин умуртқалари рўпарасида жойлашган. У олд томонидан тил ости суяги мускуллари ва тери, ён томондан қон томирлари ва асаб толалари ҳамда қалқонсимон без билан чегараланган.

Ҳиқилдоқ ҳаво ўтказувчи нафас йўли вазифасини бажаришдан ташқари, у товуш ҳосил қиладиган **овоз аппарати** ҳамдир. Унинг ички қавати туксимон шилимшиқ пардадан иборат, девори эса тоғай ва мускуллардан ташкил топган. Ички қаватининг ўртасида **товуш бойламлари** ва **мускуллари** жойлашган бўлиб, уларнинг ҳаракати, қисқариши ва бўшашиши натижасида овоз тешиклари очилиши ёки ёпилиши орқали товуш ҳосил бўлади.

Ҳиқилдоқ узуксимон, ҳалқасимон, ҳиқилдоқ усти каби учта йирик тоғайдан ва уч жуфт майда тоғайдан ташкил топган. Ҳиқилдоқда уч гуруҳ мускуллар бўлиб, уларнинг бир гуруҳи товуш тешигини кенгайтиради, иккинчи гуруҳи торайтиради, учинчи гуруҳи товуш бойламларини таранглаштиради. Ҳиқилдоқдан ҳаво унинг пастки қисмига туташган нафас қисмига яъни трахеяга ўтади.

Трахея ва бронхлар. Трахея ҳиқилдоқнинг пастки қисмидан яни VI – VII бўйин умуртқалари рўпарасидан бошланиб, V кўкрак умуртқаси рўпарасигача давом этади ва шу жойда ўнг ва чап бронхларга бўлинади. Унинг узунлиги одамнинг бўйига қараб, 9 – 13 см гача ўсади.

Трахеянинг девори 16 – 20 та айланасимон тоғайлар ва пайлардан ташкил топган. Айланасимон тоғайларнинг орқа қисми силлиқ мускулардан ибрат. Трахеянинг ички қавати туксимон шиллиқ пардадан ташкил топган бўлиб, унда майда безчалар жойлашган. Улардан ажралган суйувлик ҳаво ни намлаб ўтказади. Туксимон силлиқ парда эса ҳаводаги чанг заррачаларни ушлаб қолиб, ташқарига чиқариб юборади.

Бронхлар V кўкрак умуртқаси рўпарасида трахеянинг иккига (ўнг ва чап бронхларга) бўлинишдан ҳосил бўлади. Бронхлар ўпка тўқимасирга кириб, худди дарахт шохига ўхшаб жуда кўп майда бронхчаларга тармоқланади ва бора – бора альвеола пуфакчаларини ҳосил қилади.

Трахея ва бронхлар нафас йўли ҳисобланиб, улар ҳавони илитиб намлаб, майда чанг заррачаларидан тозалаб, ўпка альвеолаларига ўтказади.

Ўпка. Ўпка бир жуфт бўлиб (ўнг ва чап ўпка), конуссимон тузилган. Улар кўкрак қафасининг икки томонида жойлашган. Ўнг ва чап ўпканинг ўртасида трахея, қизилўнгач, қон томирлари, айрисимон без, асаб толалари, лимфа томирлари ва тугунлари ҳамда юрак жойлашган. Ўнг ўпка чап ўпкадан каттароқ бўлиб, у юқориги, ўрта ва пастки бўлақлардан иборат. Чап ўпка эса юқориги ва пастки бўлақдан ташкил топган. Ўпкалар пастки томондан диафрагма, орқа томондан умуртқа поғонаси, олдинги томондан тўш суяги ва атроф томондан қовурғалар билан чегараланган.

Ўпка тўқимаси дарахтсимон шаклдаги ўртача, майда ва энг майда бронхчалардан ҳамда пуфакчасимон альвеолалардан ташкил топганлиги туфайли у ғоваксимон тузилган бўлади.

Ўпканинг нафас олиш ва чиқариш функциясини асосан альвеолар бажаради. Уларнинг девори бир қаватли эпителий тўқимасидан иборат бўлиб, атрофи майда қон томирчалари – капиллярлар билан тўрсимон шаклда ўралган.

Альвеолаларнинг сони иккала ўпкада 750 миллион атрофида бўлади. Альвеолаларнинг умумий сатхи 100 м² ни ташкил этади. Улар юзасининг бундай катта сатҳга эга бўлиши ўпка билан ташқи мухит ўртасида ҳамда альвеолалар билан қон ўртасида газлар алмашинуви тезлашувини таъминлайди.

Ўпкалар ташқи томондан плевра пардаси билан ўралган. У икки қаватдан (ички ва ташқи қаватдан) иборат бўлиб, улар орасида торгина плевра бўшлиғи ҳосил бўлади.

Плевра бўшлиғи ичидаги босим атмосфера босимига нисбатан кам, яъни манфий бўлади. Бу эса нафас олган пайтда ўпка тўқимасининг кенгайишига ва ундаги альвеолалар ҳаво киришига, нафас чиқарганда эса торайиб, альвеолалардаги ҳавони қисиб чиқаришга имкон беради.

Ўпкалар катта қон айланиши доирасидан келган бронхиал артерия томири орқали озиқланади. Кичик қон айланиш доирасининг томирлари, яъни ўпка артериялари ва ўпка веналари ўпка тўқимасини озиқлантиришда иштирок этмайди. Бу томирлардаги қон ўпка альвеолаларига ўзидаги кабонат ангидридни бериб, улардан кислород қабул қилади, яъни веноз қон артериал қонга айланади.

Мушиқа дарсларида ўқувчи куйлаш вақтида, товуш ҳосил қилишда нафасни тўғри йўлга қўйиши муҳим роль ўйнайди.

Куйлашдаги нафас билан физиологик нафас орасида маълум даражада фарқ бор. Физиологик нафасда нафас олиш аниқ бир ритмда ва маълум бир вақт оралиғида содир бўлади. Куйлаш вақтидаги ҳаво олиш тез, қисқа вақт оралиғида содир бўлиб нафас чиқариш эса бир қанча вақтга чўзилади. Нафас ритми ижро этилаётган асар характериға қараб ўзгариб туради. Куйлашда физиологик нафасға қараганда чуқур нафас олинади.

Куйлашдаги нафас олишнинг бир неча турлари бор:

- 1) пастки қовурғалар кенгаювчи нафас олиш;
- 2) елка кенгаювчи нафас олиш;
- 3) қорин билан нафас олиш (диафрагма пастга тушади);

4) кўкрак билан нафас олиш (кўкрак қафасининг юқори қисми кўтарилади).

Нафас ҳаракатлари нафас олиш ва нафас чиқаришдан иборат. Нафас олиш ҳаракати қовурғаларнинг кўтарилиши ва диафрагманинг пастга тушиши орқали таъминланади. Қовурғаларнинг кўтарилиши бўйин ва ташқи қовурғалараро мускулларнинг қисқариши натижасида юзага келади. Диафрагманинг пастга тушиши эса унинг мускуллари қисқариши натижасида содир бўлади. Бу ҳаракатлар натижасида кўкрак қафасининг ҳажми катталашади, ўпкалар кенгаяди ва ташқи муҳитдан ўпкаларга ҳаво сўриб олинади.

Қовурғалараро мускулларнинг фаол иштирок этиши билан нафас олишга **кўкрак билан нафас олиш** дейилади. Диафрагманинг кўпроқ ҳаракатланиши орқали нафас олишга **қорин билан нафас олиш** дейилади. Эркакларда асосан қорин билан нафас олиш, аёлларда эса асосан кўкрак билан нафас олиш ҳаракатлари ривожланган. Нафас олиш ҳаракатларининг кўкрак ёки қоринли бажарилиши одамнинг ҳолатига, бажарилаётган ишига ҳам боғлиқ.

Куйлаш вақтида нафас олишнинг пастки қовурғалар кенгаювчи нафас олиш ва қорин билан нафас олиш турларини ишлатиш маъқулдир.

Диафрагма одам организмида кўкрак ва қорин бўшлиғини ажратиб туради. Пастки қовурғалар ва диафрагмалар воситасида нафас олишда нафас олиш ва чиқариш диафрагма орқали тартибга солинади. Бу шундай содир бўлади: ўқувчи худди гул “ҳидлагандек” нафас олади. Бунда ўпкалар кенгайиб, пастки қовурғаларни ташқи томон суради ва диафрагма пасаяди, натижада, қориннинг девори олдинга шишиб чиқади. Елка ва кўкракнинг юқори қисми бу ҳолда ўзгармайди. Нафас олиш чуқур, тўлиқ ва энг асосийси, шовқинсиз бўлиши керак. Нафас чиқариш тежамли, узоқ муддатли, текис бўлиши шарт. Нафас чиқариш қорин таранг қобиғининг қариш таранг қобиғининг ҳаракати билан бошқарилиб ҳаво юқорига йўналади ва овоз пардаларини тебранишга ундайди. Пастки қовурғалар ва диафрагма аста секин ўз ҳолатига қайтади.

Нафас олиш органларининг ҳар бир қисми ички юзасини қоплаб турувчи шиллиқ парда ташқи об – ҳаво шароитининг ўзгариши, ҳаво таркибидаги чанг

заррачалари, бақириб қўшиқ айтиш болалар ёшига ва овоз диапозонига мос бўлмаган асарларни танлаш, узоқ вақт тўхтовсиз куйлатиш, овоз апаратининг касаллигида куйлатиш натижа ва таъсирида яллиғланиши мумкин. Нафас олиш органларининг айрим қисмлари, яъни бурун, томоқ, ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар ва ўпкаларнинг ҳар бири алоҳида яллиғланиши ёки уларнинг ҳаммаси бир вақтда яллиғланиши мумкин. Шунга кўра юзага келадиган касаллик белгилари турлича бўлади.

Нафас олиш орқали одам организми барча ҳужайра ва тўқималарнинг кислородга бўлган эҳтиёжи таъминланади. Организмнинг кислородга эҳтиёжи одамнинг ҳолатида кам, ухлаган вақтида ундан ҳам кам, жисмоний машқ бажарганда эса кўпайиб, тинч ҳолатдагига нисбатан 5 – 10 марта ошади.

Одам турли ҳолатда бўлишига қараб нафас олиш ва чиқариш ҳаракатлари нафаснинг юзаки ва чуқур бўлиши автоматик ҳолда ўзгариб туради.

Болаларни тўғри нафас олишга ўргатиш жамоа бўлиб қўшиқ куйлашда вокал устида ишлашнинг энг зарур қисмидир. Нафас олиш жамоа бўлиб куйлашда бир вақтда содир бўлиши мумкин бу ҳолда гуруҳдаги талабалар бараварига нафас олишлари керак. Агар мусиқа асарларида узоқ давом этувчи куй жумлалари бўлса овоз ёки овоз пардаларини узлуксиз садоланишини таъминлаб берувчи улама нафас қўлланилади. Бу ҳолда болалар навбатма – навбат нафас оладилар. Акс ҳолда ансамбль бирлиги бузилиши мумкин.

Болалар овоз апаратининг тузилиши

Асосий овоз апарати ҳиқилдоқда жойлашган бўлади. Ҳиқилдоқда жойлашган овоз бойламлари, мускуллари билан бирга, овоз ҳосил бўлишида тил, лаблар, оғиз бўшлиғи, бурун бўшлиғи ва унинг юз, пешона суяклари орасида жойлашган қўшимча коваклари, ҳалқум, трахея, бронхлар ва ўпкалар ҳам иштирок этади.

Одам гапирмай турганда ҳиқилдоқда жойлашган овоз бойламларининг тешиги очиқ ҳолда бўлади (у учбурчак шаклда). Пичирлаб сўзлаганда ҳам овоз

тешиги очилган ҳолда бўлади. Сўзлаганда, куйлаганда овоз тешиклари ёпилади ва ўпкадан нафас билан чиқариладиган ҳаво катта куч билан овоз бойламларига таъсир қилиб, уларнинг тебраниши натижасида овоз ҳосил бўлади.

Товуш ҳосил бўлиши овоз аппаратининг ҳаракати натижасида содир бўлади. Бу аппарат уч қисмдан иборат: 1) нафас органлари (ўпка, бронх, трахея – томоқнинг нафас йўли); 2) хиклдоқ (овоз пардалари жойлашган қисм); 3) резанаторлар (ютқин, оғиз ва бурун).

Овоз аппаратининг ҳар бир қисми бир – бири билан чамбарчас боғланган. Товуш қуйидагича ҳосил бўлади: ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими бронх, трахея орқали томоққа келади ва у ерда овоз пардалари тўсиғига учрайди. Ҳаво босими таъсирида овоз пардалари ҳаракатга киради, уларнинг такрорий очилиб ёпилиши ва тебраниши натижасида ҳаво тўлқинлари – товуш ҳосил бўлади.

Товуш ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолдаги одатдаги нафас олиш жараёнида овоз пардалари сокин ҳолатда бўлиб, ҳаво учбурчак шаклидаги овоз тешигидан эркин ўтади. Товуш ҳосил бўлишида **овоз тешиги** тораяди. Товуш баланд пардаларга кўтарилган сари овоз тешиги торайиб боради ва энг юқори парда товушларига етганда тешик беркилади.

Овоз бойламлари ўпкадан чиқариладиган ҳаво таъсирида бир секундда 80 мартадан 10 минг мартагача тебраниши мумкин. Тебраниш қанча кўп бўлса, овоз шунча кучли бўлади.

Овознинг ўткирлиги овоз бойламларининг калта ёки узун бўлишига боғлиқ. Аёлларда (қизларда) уларнинг узунлиги ўртача 18 – 20, эркакларда 20 – 22 мм бўлади. Шунинг учун аёлларнинг овози ўткир бўлади. Бундан ташқари, овознинг кучи ҳамма одамда бир хил бўлмайди. Қўшиқчиларда овознинг кучи бошқаларникига нисбатан анча катта бўлади.

Баъзи қўшиқчилар куйлаганда, шипга илинган қандилнинг тебратиб юборганлиги тарихда маълум. Махсус тайёргарликлардан ўтган қўшиқчилар худди танбур ёки дутор симининг турли жойларидан ҳар хил овоз чиққанидек,

овоз бойламларининг турли қисмларидан ҳар хил овоз чиқариш қобилиятига эга бўлади.

Ҳар бир кишининг овози ўзига хос хусуситга эга. Ҳатто чақалоқнинг йиғалагинидаги овози ҳам ўзига хос оҳангга, хусусиятга эга бўлади ва шу орқали она ўз боласининг овозини бошқа чақалоқлар овозидан фарқ қилади. Албатта, ҳаёт давомида одамнинг турли ёш давларида овоз маълум даражада ўзгаради. Айниқса ўсмирларда (13 – 16 ёшда) овознинг ўзгариши жуда сезиларли даражада бўлади. Чунки шу ёшда ҳиқилдоқ ва овоз бойламларининг узунлиги ўғил болаларда икки, қизларда бир ярим баробар ортади. Бунинг натижасида, айниқса, ўсмир ёшдаги ўғил болаларда овоз қўполлашиб, дўриллаб қолади. Бундан ҳавотирланмаслик керак. Бу физиологик хусусиятга эга бўлиб, ўсмирлик даври ўтгандан кейин овоз меъёрий ҳолга келади. Лекин ўсмирлик даврида баъзи гигиена қоидаларига амал қилиш зарур, яъни қаттиқ гапирмаслик, бақирмаслик, кучли овоз билан ашула айтмаслик, шамоллашдан сақланиш, аччиқ таомларга ружу қилмаслик керак ва хоказо.

Баъзиларнинг фикрича, ёш бола қанча ва кўп йиғласа, гўё унинг овоз аппарати шунча яхши ривожланар эмиш. Бу нотўғри, чунки кўп вақт қаттиқ йиғлаган бола овоз бойламларининг зўриқиши натижасида уларда майда пуфакчалар ҳосил бўлади. Бунинг оқибатида боланинг овози қўпол ва хириллаган бўлиб қолши мумкин. Шунинг учун ёш болани қаттиқ ва узоқ йиғлатмаслик лозим, яъни уни тезда овутиш керак.

Товуш тебранишининг тезлиги, яъни товуш баландлиги овоз пардаларининг тортилиши (таранглашиш) даражаси билан боғлиқ; тебраниш қанча тез бўлса, товуш шунча юқори пардаларга кўтарилади. Бироқ пардалар ҳосил қиладиган товуш кучли эмас, у, асосан, юқорига резонаторлардан (овозни кучайтирадиган аппаратлардан) бўғизнинг кенгайиши ҳисобига кучаяди. Оғиз ва бурун ҳам шунча ёрдам беради, шунингдек, улар товуш ранги (жилвадорлиги) – тембрини юзага келтиришда ҳам катта роль ўйнайди.

Резонаторлар юқориги ва пастки қисмлардан иборат бўлиб, улар овоз пардаларининг юқориси ва остида жойлашади. Юқориги овоз –

резонаторларига ютқин, оғиз ва бурун бўшлиқлари, пастки (кўкрак қисми) овоз резонаторларига трахея ва бронх бўшлиғи киради.

Овоз тембрининг сифати товуш ўтувчи овоз пардалари тебраниши билан резонанс бўшлиқларига боғлиқ. Томоқ ва овоз пардаларининг ҳаракати мушаклар ва тоғайлар тизимининг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Мушакларнинг айримлари қисқариб, пардаларни таранглаштиради, айримлари уларни бирлаштиради ва бир – биридан узоқлаштиради. Агар овоз пардалари ўзининг бутун массаси билан тебранса, кўкрак регистридаги товуш, овоз пардалари фақат чеккаси билан тебранса юқори регистрдаги товуш юзага келади.

Талабаларда вокал малакаларини шакллантириш ва ўстириш йўллари.

Қўшиқ ижрочилиги – бирдамликни, муסיқий туйғу ва сезгирликни талаб қилади. Бу эса вокал ижрочилари ижро жараёнида бир – бирларини ўзаро тушуниб, сезиб туриши билан бир қаторда, ўқитувчи билан ҳам бирдам бўлишлари лозим эканлигини кўрсатади. Вокал дарсига жалб қилинган талабаларнинг қўшиқни мунтазам ва ўзаро уюшқоқлик билан ижро этиб туришлари уларни ўзларидаги маънавий бойликни бошқалар билан баҳам кўришга ўргатади. Талабанинг якка ҳолда қўшиқ ижро этиши масъулият ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнайди. Дарсда қўшиқ ижро этилишидан ижрочилар билан бир қаторда тингловчилар ҳам эстетик завқланишлари лозим. Бироқ, бу жараён енгил кўчмайди, аксинча пухта тайёргарлик ва излашини талаб этади. Қўшиқ ижрочилари ўз репертуарларидаги асарнинг руҳига чуқур кириб борган тақдирдагина унинг ижроси гўзал ва ифодали чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам талабаларни қўшиқ ижросига эмоционал, ижодий муносабатда бўлишга, ижрода асардаги ғояни ифодалашга ўргатиш жуда муҳимдир. Ижрочилик шундагина чинакамига эстетик тарбия жараёнига айланади. Бу эса талабаларнинг овозларини ўстириш нуқтаи назаридан ҳам

аҳамиятлидир. Чунки овоз апаратининг умумий фаолияти қўшиққа эмоционал муносабатда бўлгандагина фаоллашади.

Талабаларга вокал тарбия бериш жараёни кўп қирралидир. Қўшиқнинг ифодали бадий ижроси талабалардан вокал малакаларини пухта эгаллашни талаб қилади. Акс ҳолда қўшиқ ижроси кутилган натижани бермайди, таъсирсиз бўлади.

Вокал ўқитувчиси талабанинг мусика сезгисини ҳар тарафлама ўстириб бориш негизида унинг қўшиқбоп овозини тўғри тарбиялашни унутмаслиги керак. Бу унинг биринчи галдаги энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Вокал ўқитувчиси ўз фаолиятида ҳар бир ўқитувчи талаба билан индивидуал иш олиб бориб, овозлар тарбиясини тўғри йўлга қўйса, унинг кейинги ишлари ҳам юришиб кетаверади, жамоа олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ҳам йўл очилади.

Ёшларнинг овоз апаратлари, турган гапки, анча мўрт бўлади. Улар ҳар жиҳатдан ўсиб боришлари билан бир қаторда, бунга мос ҳолда овоз апаратлари ҳам ўзгариб борадики, бу жараён мунтазам ва узлуксиздир. Шунинг учун вокал ўқитувчиси дарс ўтказган пайтларида талабаларнинг овозини муҳофаза қилиш, асраш ва тўғри ўстиришга ҳам жиддий эътибор қилиши керак.

Қўшиқ айтиш, ўз табиатига кўра, комплекс жараён ҳисобланади. Талаба қўшиқ айтганда унинг бутун организми ишга тушади. Бунда ҳаммасидан ҳам организмнинг маълум бир қисми тўла фаол ишлайди, яъни товуш ҳосил қилишда артикуляцияон, нафас, асаб – мускул апарат ўзини кўрсатади. Улардан бирортасининг нотўғри ишлаши қўшиқбоб овоз чиқиши ёхуд меъёр оқимига ҳалал етказиши мумкин. Шу сабабли талабанинг ижрочилик малакасини тарбиялаш иши комплекс тарзда олиб борилиши ва бунда узилишига йўл қўймаслиги зарур.

Вокалистлари билан олиб бориладиган ишлардан иккитасини кўрсатиб ўтамыз ва амалий ишда тавсия қиламыз:

- 1) ҳар бир вокал ижрочиси бўлган талабани фониатрик (лорингологик) кўриқдан ўтказиш;
- 2) ҳар бир талаба овозини махсус эшитиб кўриш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўқитувчи вокал дарси қатнашчиси овозини индивидуал эшитиб, кўриқдан ўтказиб турганида, аввало, ундаги муסיқа сезгисини қай даражада ўсганлиги, овоз оҳангидаги ўзгаришларга, нафас чиқаришга овоз ҳужумининг характериға, овознинг диапозони ва туриға, унинг қандай қўйилганлигига, шунингдек, ижродаги ўсишида кўзга ташланадиган нуқсонларга эътибор бермоғи керак. Бунда ҳаммага яхши таниш бўлган қўшиқни айтириб синаш машғулоти ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу машғулотда талабаларнинг овоз имкониятларини ҳисобга олиб, оҳиста ва бамайлихотир тезликда ёки чўзиб айтиладиган қўшиқни синов учун танлаш мумкин. Шундагина талабанинг муסיқа ва ижрочилик қобилияти қай даражада ривожланаётганини кўриш ва камчиликларни аниқлаш мумкин бўлади.

Вокал ўқитувчиси талабаларнинг овозлари қай тариқа тараққий этиб, муסיқа сезгилари қанчалик ўсиб бораётганини дарслар жараёнида индивидуал кузатади.

Талабаларнинг овозини магнитофон тасмасига алоҳида – алоҳида ёзиб олиш ҳам маълум аҳамиятга эга бўлиб, у овозни тарбиялаш борасида ҳар бир талаба билан якка тартибда иш олиб боришда кўрсатмали восита бўлиб хизмат қилади.

Вокал дарслари ўргатилаётган қўшиқларнинг талабалар ижросида ёзиб олиниши, кейин эса ўқитувчи ва талабаларнинг ўзлари уни эшитиб кўришлари, ўз навбатида, индивидуал назоратларни кучайтирибгина қолмай, шу билан бирга муסיқа ижрочилик фаолиятида ўсишни таъминлайди, талабаларнинг қизиқишини янади кучайтиради.

Дарс давомидаги муסיқа ижрочилига оид барча ишларда талаба овози жарангининг сифатиға, хусусан, овоз тембрининг асосий жиҳатлари бўлган жарангдорлик, силлиқлик, серпарвозлик, вибрато, тиниқлик сингари

элементларга эътибор бериледи. Шунинг учун унутмаслик керакки, кўшиқни шиддат билан айтиш талабага кўп зарар келтириб, уларнинг табиий ўсишларига халал беради.

Талабалар кўшиқни шиддат билан, зўриқиб айтганларида овоз аппаратлари бузилиб, касалланади. Чунки, талабада овоз чиқариш билан боғлиқ бўлган органлар ҳали ўсувчан характерда бўлади. Бундан ташқари, бакириб асар куйлаш бадиий ижро талабларига ҳам зид. У овоз тембрини гўзаллик ва ифодалиликтан маҳрум қилиб қўяди.

Талабалар вокал дарсларида бўлганларида кўшиқни ўртача авжда айтишлари ва бунда динамик белгилар (форте ва пиано) дан оқилона фойдаланишлари зарур. Талабаларнинг кўпчилигида овоз баланд бўлмаслиги ҳам ўз – ўзидан малум ўқитувчи талабалар билан мунтазам равишда иш олиб борганда уларнинг овози сиқилишиб, ҳамма динозонларда текис ва таъсирчан чиқадиган бўлади.

Вокал ижрочилиги дарсларида талаба овозининг жарангдорлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, талабалардан кучли овозгина эмас, балки унинг жилolari уйғунлиги ҳам талаб этилади. Овознинг кучлилиги ва интонацияси билангина иш битмайди. Овоздаги барча элементлар ижро жараёнида уйғунлашган тақдирдагина кўшиқчилик санъатида кузатилган мақсадга эришилади. Бунга эришиш, албатта, вокал ўқитувчисининг маҳоратига боғлиқ.

Ёш талабалар овозидаги ўзига хослик кўп ҳолларда аён сезилиб турмайди. Шунинг учун ҳам овоз меъёрий равишда ривожланиб борган тақдирда (талаба зўриқиб ашула айтмаганда ва овозда бурун ёки тмоқдан кўшилган кўшимча товушлар бўлмаганда) индивидуал тембрлар кўшиқ жарангдорлигига халал бермай, аксинча уни бойитади.

Ҳар бир талабадан тембр уйғунлигини талаб қилавериш ярамайди. Жарангдорликни сақлаш кўшиқбоб овозга хос бўлган хусусиятлар тарбиясига халал бермайди.

Вокал ижрочилиги дарсларида талабаларнинг овозлари табиий жаранг касб этишини тарбиялаш, асосан қуйидаги жиҳатларга боғлиқдир:

1. *Жарангдорликка эришиш.* Кузатув ва текширишларимиз талабалар овозидаги жарангдорлик турлича ифодаланишини кўрсатади. Шунининг учун ҳам, талабаларнинг овоз жарангдорлигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган вокал ўқитувчиси уларнинг ёш хусусиятлари доирасидаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриши лозим.
2. *Серпарвозликка эришиш.* Талабалар овозининг серпарвозлиги овоз жарангдорлиги, авжи ва ижрочининг ёш жиҳатдан имкониятларига боғлиқдир.
3. *Вибратонинг сайқалланиши.* Вибрато ўн тўрт – ўн беш ёшда ўзини кўрсатади. Талабаларнинг овозида вибратор мавжудлиги яхши сезилади.
4. *Жарангдорликнинг текислигига эришиш.* Ўқитувчи талабалар билан мустақил равишда иш олиб борганида улар эътиборини жарангдорликда табиийликка интилишга қаратиши керак бўлади. Бунда у овоз паст ёки баланд чиққан пайтдаги ўзгариш ҳолатини конкрет мисолларида кўрсатиб бериши зарур.

Вокал нутқнинг дикцияси (тиниклиги) товушларнинг баландлигига, талабанинг ёши ва нутқ маданиятига, ундошларнинг тўғри талаффуз қилинишига, ижрочилик ҳамда унинг умумий савиясига боғлиқдир. Талабалардаги вокалбоп овозни тарбиялаш иши машғулотларда мунтазам равишда олиб борилиши лозим. Бунда вокал ижрочилиги дарслари ва репертуарлари бўйича машқлар кўзга тутилади. Вокал ўқитувчиси жарангдорликдаги нозик ўзгаришларни ҳам назардан қолдирилмаслиги ва уларни тўғри йўлга солишни ўйлаши керак. Талабаларда вокал сезгисини тарбиялашда уларнинг ўз овозларига онгли равишда танқидий муносабатда бўлишлари ҳам назоратдан четда қолмаслиги зарур. Ҳар бир талаба ўз – ўзини кузатиб бориши ўқитувчининг бу борадаги ишини бир мунча енгиллаштиради.

Ижродаги эмоционал – эстетик йўналиш доимо зарур компонентдир. Дарсни шундай ташкил қилиш керакки, дарсдагиларнинг ҳар бир ижроси талабаларнинг эмоциясига таъсир кўрсатмай қолмасин. Талабаларда қизиқиш уйғонса уларнинг ишчанлиги ортиб, сезгирлиги кучаяди ва дарс янада таъсирчанлик касб этади.

Қўшиқ ижро этилаётган пайтда талабанинг ўзини тутиши ҳам маълум аҳамиятга эга. Бунда гавдани тик тутиш, елкани сал оркароққа олиш, қўлни тушириб туриш, бошни тўғри ва бемалол тутиш, бўйинни қайиштирмаслик керак. Ўтирган холда ашула айтганда ҳам талабаларнинг гавдалари букилмаслиги ва қўллари тиззаларининг устида туришини назоратдан қочирмаслик керак. Гавда тўғри тутилиши, кўкрак қафаси ростланиши қўшиқбоб нафаснинг кўпайишини таъминлайди, аста – секин уни зўрайтириб беради, ҳавони тежаб ишлатишга ўргатади. Бош ва бўйиннинг табиий ҳолати овоз аппаратининг тўғри ишлатишга имкон яратади, томоқ мускуллари бемалол ҳолда бўлади ва қолаверса қўшиқ санъатининг этикаси ҳам шуни тақазо қилади.

Ижро жараёнини тўғри ташкил этишда талабанинг умумий фаоллиги ва эмоционал кайфияти муҳим рол ўйнайди. Талабалар қўшиқ айтаётган пайтда ланж ва бўшашган бўлмасликлари керак. Шу билан бирга ўта ҳаяжонланмасликлари ҳам зарур. Бундай бўлиши овоз жарангдорлигини ва унинг табиийлигини бузиб қўяди. Қўшиқнинг таъсирчанлигига путур етади. Талаба қўшиқ айтаётганда фақат нафас олиш йўлларигина фаол бўлмай, балки бутун организми ҳам фаол ҳолатда бўлади.

Овоз ҳужуми деб вокал жамоасидаги барча овозларнинг қўшилиб авжга чиқишига айтилади. Кескин ҳужум талабалар билан вокал бўйича машғулот олиб борганда айрим ифода усули сифатидагина қўлланиши ва иш бериши мумкин. Бироқ ўшанда ҳам талаба ижрочиликда маълум тажриба ортирган бўлиши зарур. Акс холда бу усулнинг сира ҳам нафи бўлмайди, аксинча, зарари тегади.

Товуш ҳосил қилишда юмшоқ танглайнинг илдамлиги ва ҳаракатчанлигини ошириш устида ишлаш яхши натижа беради. Бунда:

- 1) ёш меъёрига муносиб келадиган жарангдорликдан;
- 2) маълум бирикмалардан (масалан, ми, ма, ме каби товуш бирикмаларидан) фойдаланса бўлади.

Қўшиқ айтаётганда ижрочининг товуши ўзига хос жаранглашига тўла эркинлик сезилиб турмоғи лозим. Ашулабоб нафасни тута олиш меъёри талабаларнинг ижродаги муваффақиятларнинг асосий кўринишларидан биридир. Бунинг ўсиши ҳам мусиқа фаолияти жараёнида рўй беради ва кўп жиҳатдан репертуар танлаш ва вокал машқларининг материалига боғлиқ бўлади.

Қўшиқбоб нафасни ўстириш бўйича махсус талаблар ижрочилик малакасини оширишга хизмат қилади. Бу талаблар эркин нафас олиш, елкани кўтармаслик, олинган нафасни шошмасдан тежаб – тергаб чиқариш, бунда ҳолатни ўзгартирмаслик, шошқалоқлик қилиб нафасни беҳуда сарфламаслиги, овозда жарангдорликнинг бўлиши сингари муҳит элементлардан иборатдир. Нафас олиш тизими резанаторлик вазифасини ҳам бажаргандан ижро пайтида уни тўғри бошқариш лозим. Талабалар овозининг табиий кўламига зид ишлар қилишга мутлақо йўл қўйилмайди.

Овоз аппаратини соғлом сақлаш ва индивидуал тарзба ўстириш учун ўқитувчи талабаларнинг ёшини ва овоз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тенгдош ижрочиларни гуруҳга ажратиб машғулоти олиб бориши лозим.

Вокал ўқитувчиси индивидуал ва жамоа суҳбатларда талабаларга овознинг жаранглаши ёшга боғлиқлиги, унга ҳушёр ва онгли муносабатда бўлиши, авайлаш, асраш, ижрочилик режимида қаттиқ амал қилиш зарурлигини эринмай тушунтирмоғи лозим. Бу гаплар фақат ўғил болаларгагина эмас, балки қизларга ҳам тааллуқли эканлиги ўқитувчининг ҳамиша ёдида туриши керак.

Дарсларни тўғри олиб бориш жараёнида овоздаги баъзи бир хасталиклар ҳам тузалиб кетиши мумкин. Бунда биз пайларнинг сира жуфтлашмаслиги,

кучли тремолция, толиқиш кабиларни кўзда тутамиз. Тўғри, бундай хасталиклар тезда тузалиб кетмайди, бунга гоҳо йиллар керак бўлади.

Вокал дарсларида қизларнинг ижрочилик режимиға қатъий амал қилишларини алоҳида кўзда тутиш лозим. Чунки улар нозик бўлиб, ўзларига хос касалликларни бошдан кечиришлари мумкин. Улар касаллик даврида уч тўрт кун сира куйламасликлари керак. Талабаларға вокал малакаларини шакллантиришда мусиқа саводхонлиги ва мусиқа жўрлигисиз ашула айта олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Мусиқа асбоби жўрлигисиз (а capella) ва раҳбарсиз қўшиқ айтиш санъатнинг ўзига хос шаклидир. У талабанинг мусиқа сезгиси ва айниқса, вокал ҳамда гармоник ривожланишиға катта ёрдам беради.

Вокал ижрочилигида овоз созлаш машқларининг аҳамияти

Ўқитувчи дарсларни мазмунан бойитишда, аввалги мавжуд бўлган шакллари, методларни ўзгартиришдан чўчимаслиги, дарсни сифатини оширадиган, бойтадиган барча янгиликларни дарсларға киритиши давр тақозоси бўлиб қолмоқда. Вокал дарсларида жамоа бўлиб куйлаш, мусиқа маданияти дарсларида овоз созлаш машқлари воситасида ушбу дарсларнинг сифатини, ранг – баранглигини қандай қилиб янада ошириш мумкин? Одатда, овоз созлаш машқларида, мусиқадаги До, ре, ми, фа, соль ля, си товушлари - номлари машқ сифатида куйланади. Шунингдек, Да, Де, Ди, Ду ёки Ма, Ме, Ми, Му каби ҳеч қандай маъно англатмайдиган унли ва унсиз ҳарфлар бирикмалари куйланади. Юқоридаги санаб ўтилган товуш ва товуш бирикмаларидан ташқари, овоз созлаш машқларига “Чамандагул”, “Қорасоч”, “Яллама ёрим”, “Оҳ, лайли”, “Лолажон” каби қўшиқлар ва улардан олинган лавҳаларни ҳам куйлатиш мақсадға мувофиқдир. Чунки ўзбек халқ қўшиқларининг нақорат қисмлари ёки маълум бир бўлаги куйлаш учун танлаб олинса яхши натижалар беради. Бу фикрни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин:

1. Маълумки, вокал қўшиқчилигида ҳарфларни ҳам, бўғинларни ҳам бир текисда жарангдор қилиб куйлашға ҳамма қўшиқ ижрочиси ҳам мувоффақ бўлавермайди. Бунинг учун куйлаш давомида дуч келадиган ҳамма ҳарфларни

равон, бир хилда жарангдор куйлаш учун ижрочидан машқлар бажаришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, халқ қўшиқлари машқ учун олинганда куйлаш учун ноқулай бўлган “Ч”, “Г”, “Ш” ва бошқа бир қанча ҳарфлар куйлаб ўтилади. Машқлар давомида ушбу ҳарфларни куйлай олиш малакалари ривожлантирилади.

2. Халқ қўшиқлари нақорат қисмлари кўпинча куйнинг тоникасидан субдоминантасига сакрашлардан иборат бўлади. Демак, бунда халқ қўшиқларини машқ сифатида куйлаш жараёнида ижрочи ўз овозини кварта, квинта интерваллари оралиғида соф интонацияда куйлай олиш малакаларини эгаллайди.

3. Вокал ижрочиличи дарсларида талабаларнинг халқ қўшиқларига меҳр – муҳаббати янада ошади. Миллий қадриятларни ҳурмат қилиш, ўрганиш, миллий истиқлол ғоясининг муҳим йўналишларидан биридир.

4. Ҳар қандай дарсни бир хил қолипда бўлиб қолиши, билим оловчиларга зерикарли туюлиши табиий. Халқ қўшиқларини овоз созлаш машқлари сифатида куйланиши дарсни ранг – баранглигини таъминлайди, ҳамда уни шаклан ва мазмунан бойитади.

Вокал ижрочиличи малакасини эгаллашда овоз созлаш машқлари катта роль ўйнайди. Вокал хор машқларидан кўзланган асосий мақсад – талабалар овозларини, енгил ва ёрқин жарангдорлигини сақлаб, овоз апаратини мустаҳкамлаш, қўшиқ айтишдаги нафас олиш малакасини ҳосил қилиш, овоз диапозонини кенгайтириш, хилма - хил қўшиқ айтиш малакаларини сингдиришдир.

Овоз созлаш машқлари турлича бўлиб, ҳар хил мақсадларни кўзда тутаяди: нафасни мустаҳкамлаш, овозни ривожлантириш, унинг равонлигини, ҳаракатчанлигини таъминлаш, диапозонини кенгайтириш, товуш ҳосил қилишда ягона усулни қўллаш, соф интонацияни юзага келтириш, гармоник укунни ўстириш, дикция аниқлигига эришиш ва бошқалар.

Вокал раҳбари овоз созлаш машқларини талабанинг овоз хусусиятларини, куйлаш имкониятларини ҳисобга олиб белгилайди. Бу машқларнинг

айримларини шошилмай, бемалол, товушдан – товушга ўтишда силлиқлик ва аниқликка эътибор берган ҳолда куйлаш лозим бўлса, айримларини унли товушларини силлиқ чиқариб, лаблар фаоллигини ошириб, ундош товушларнинг аниқ чиқишига эришиб, тиниқ, жарангли ва нафас кучайишига ёрдам берадиган ҳолда оҳангли қилиб куйламоқ зарур.

Энди вокал ижрочлиги дарсларда қуйидаги овоз созлаш машқларини намуна сифатида тавсия этамиз:

1. “Тиниқ жаранглама товуш чиқариш”



2. Узликсиз садоланишга эришиш:



3. Умумий оҳанг ҳолатига эришиш:



4. Овозни шакллантиришга эришиш:



5. Унли товушларни бир текисда куйлаш:



6. Овоз апаратини ва талаффузни ривожлантириш:



7. Стаккато услубида куйлаш:



8. Овоз ҳаракатчанлигини ривожлантириш:



9. Легато услубида куйлашга эришиш:



Вокал раҳбари талабаларнинг мусиқа қобилиятларини инобатга олиб содда ва оддий, мураккаб машқлардан, шунингдек, вокализлардан фойдаланиб вокал овозларини шакллантириб боради. Яна сольфеджио фанидаги машқлардан, болалар ва халқ кўшиқларининг айрим қисмларидан вокал машқлари сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Вокал машқларини куйлатишда унли товушларни тўғри айтиш, ундош товушларни аниқ талаффуз қилиш, нафас олиш ва нафас чиқаришга қатъий эътибор берилади.

Хуллас, бу машқлар хонандаларга ифодали ижронинг техник ва бадиий усулларини эгаллашга ёрдам беради. Машқлар билан жиддий шуғулланилмаса асар ижро этишни ўрганиш жараёни чўзилиб кетади. Машқлар мусиқа материали ҳамда техник вазифаларга кўра пухта ва хилма – хил танланиши лозим. Бошланишида оддий машқлар танланиб, аста – секин мураккабига ўтиб бориш керак. Машқлар ўрта динамикада эркин нафас алмашинишида ижро этилади.

Машғулот ёки концерт ижроси олдидан қўлланиладиган вокал машқлари овозларини куйлашга тайёрлаш дейилади. Бундай машқлар овоз аппаратларини ишга тушириш учун аҳамиятлидир. Овозларни куйлашга тайёрлаш машқларини ўқитувчи белгилаб, у 5-10 дақиқа гоҳо 10 -15 дақиқа бўлиши мумкин. Машқлар жўрли куйланганда товуш созлигини текшириб туришга имкон бўлади. Агар машқлар жўрсиз ўтказилса, хонанданинг ички уқуви ўткирлашади. Мақсадга

қараб иккала овозни ҳам куйлашга тайёрлашдан фойдаланиш мумкин, аммо жўрсиз куйлаш турини кўпроқ қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Вокал ижрочилигида вокал ўқитувчисининг вазифалари

Вокал ўқитувчиси ўз зиммасига муҳим ва масъулиятли вазифа турганлигини сира ҳам унутмаслиги керак. Бинобарин вокал машғулоти тартибли, уюшқоқлик билан таъсирчан ва методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ даражада мунтазам ўтказилиб бормоғи лозим.

Вокал дарсларининг ҳам йўқламаси бўлиб, унга қатнашувчиларнинг давомади ва ўзлаштириши, талабаларда ўргатилаётган мусиқа меъёрларининг номи, мазмуни ва вақти қайд этиб борилади. Бу нарса бошқа фанлар қатори талабаларнинг вокал машғулотларидан ўзлаштириш кўрсаткичларини кузатиб боришга, ишдаги баъзи бир нуқсонларга ўз вақтида чек қўйишга имкон беради.

Вокал ўқитувчисининг дарс режасида унинг ҳар ойдаги машғулотларда тақдим қилмоқчи бўлган материаллари, вокал дарси бўладиган кун ва соати кўрсатилган бўлиши лозим. Вокал ўқитувчисининг дарс режаси, йўқламаси ва кўрсатмали қуролларининг қай аҳволда эканлиги кафедра мудирининг назоратидан ўтиб туриши ўз – ўзидан маълум, албатта. Бу эса, мактаб ўқитувчиси зиммасидаги масъулият катта эканлигини эслатиб туради.

Талабаларни вокал дарсларига тайёрлаш анча масъулиятли иш. Чунки дарс талаба учун янги омилдир. Вокал дарсларида талаба ўзи ғойибона таниш бўлган мусиқа ва қўшиқ олами билан танишади, бунда унинг истеъдод куртаклари риожланиб, қобиляти ва имкониятлари юзага чиқа бошлайди.

Мусиқа ва қўшиққа ихлосманд, яхшигина овози туфайли истикболи бўлган талабаларни вокал дарсларга жалб этиш, улар билан самарали иш олиб бориш фақат кафедра ва вокал раҳбарининг иши бўлиб қолмай, балки бутун жамоатчиликнинг ҳам иши бўлиши керак. Чунки, келажак – ёшларники, келажак учун қайғуриш эса ҳар бир педагогнинг бурчидир. Бу иш вокал ўқитувчисидан бағоят эҳтиёткорлик, ҳушёрлик, масъулият ва маҳорат талаб қилади. Чунки дарсда қатнашиш иштиёқида бўлган талаба қўшиқ ўрганишни

истайди ва бунга интилади. Шунда ўқитувчи ундаги қобилиятни тўғри ва ўз вақтида пайқаб, овоз имкониятларини ўрганса, уни йўлга қўйиш, тўғри ривожлантириш билан машғул бўлса, талабанинг овозига зарар етмайди. Тўғри келган қўшиқни айтавермайди, мусиқа сезгисини тўғри ривожлантиради.

Ўқувчиларга бирор қўшиқни ўргатишда, аввало, ўша асарнинг мавзуси ва мазмуни, ижодкорнинг кимлиги, санъатда тутган ўрни ҳақида иложи борица кенгроқ гапириб бериши керак. Талаба ўрганиладиган қўшиқ ҳақида тўла тасаввурга эга бўлгандагина унга қизиқади ва иштиёқ билан ўрганади. Бунда вокал ўқитувчисининг ўзи қўшиқни бир икки марта яхшилаб ижро этиб беришни унутмаслик керак. Бунда у асарга талабалар эътиборини жалб қилади.

Қўшиқнинг матни ёздирилиб, ёд олдирилгандан кейин уни ўргатишга кришилади, мусиқанинг тактларига тушиш, уни бузмаслик, ритмга эътибор бериш қайта – қайта ўқитирилади ва ҳар қадамда кузатиб турилади.

Вокал дарсларида талабаларга енгил ва осон қўшиқлар ўргатилгандан кейин мураккаб асарлар ўтилади. Бу, энди ўқитувчини ҳам, талабаларни ҳам унча қийнамайди. Чунки маълум тайёргарлик ва машқ мураккаб қўшиқларни ўрганиб олишни бир мунча енгиллаштиради. Бу эса вокал репертуарини композиторларимизнинг бахтиёр авлод мадҳига, табиат ва она Ватан, дўстлик ва қардошлик тараннумига бағишланган энг яхши асарлари билан бойитиш имконини беради.

Вокал дарсларида талабалар гачи уч – тўртта қўшиқни кўпчилик бўлиб ёки якка ҳолда ижро этишни ўрганиб олган бўлишларига қарамай, бирдан мураккаб қўшқларга ўтиш ярамайди. Чунки дарсларда соддадан мураккабга бориш керак, енгил вокализлар ва қўшиқлар маълум тайёргарликдан кейин ўргатилади.

Бир вокал асарини бир неча талабага ўргатиш мақсадга мувофиқдир. Бу иш мураккаб жараён бўлиб, бунда образлар уйғунлиги муҳим роль ўйнайди. Қўшиқнинг қандай бошланиши, қандай темпда давом этиши, кульминацияси ва тугаши ҳар бир ижрочиға равшан бўлмаса, мусиқаси яхши ўзлаштирилмаса кутилган натижаға эришиб бўлмайди.

Вокал дарсида қатнашувчи талабалар билан дарс олиб бориш иши кундан – кунга енгиллашиб боради, чунки улар энди муסיқа олами билан танишиб, унинг сирларини эгаллашга киришган ва маълум бир тизмга туша бошлаган бўлади.

Муסיкий таълим йўналишидаги вокал дарслари қуйидаги вазифаларни бажаришга даъват этилган:

- талабаларга вокал санъати ёрдамида ғоявий – эстетик тарбия бериш, уларни гармоник ривожланган кишилар бўлиб етишишларига кўмаклашиш;
- талабалардаги вокал сезгиси, вокал – техник ва ижрочилик қобилиятларини ўстириш, овозларини парвариш қилиш ва мустаҳкамлаш. Улардаги вокал малакалари ва иқтидорларини ҳар жиҳатдан ривожлантириш, овоз имкониятларига мос келадиган турли кўшиқларни ўрганиб олишлари ва тўғри ижро этишларига эришиш.

Вокал асослари дарси педагогика фани тўплаган бой тажрибалар ва илғор методлар асосида олиб борилмоғи лозим. Дарслар тушунарли, илмий, таъсирчан, қизиқарли ва кўрсатмали бўлиб, талабаларнинг фаол иштирокида ўтказилмоғи даркор. Бу ҳол талабаларнинг дарсларга онгли муносабатини тақозо этади. Вокал ўқитувчисининг дарсдаги талабалар билан индивидуал иш олиб бориши улар истеъдодининг ривожланишини тўғри йўлга солади, талабаларнинг овоз пайлари аста – секин ривожланиб боришига путур етказмаган ҳолда, бадий дидлари ошиши ва вокал техникасини эгаллашлари уйғун ҳолда боришини таъминлайди. Кўрсатмалик асосида илғор метод ва таъсирчан воситалардан фойдаланиш дарсларнинг мазмундорлигини оширади.

Вокал ўқитувчиси санъатга ихлосманд талабаларнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб, суҳбатлашиб, овоз аппаратларининг аҳволини ўрганиши зарур. Бунда у талабаларнинг вокал қобилиятини бирмунча аниқлаб олишга мувоффақ бўлади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, вокал дарсига илк қатнашувчи талабалар тезроқ қўшиқ ўрганиш ва айтиш пайида бўладилар. Уларнинг айримлари радио ва телевидение орқали берилган қўшиқларни ёдлаб олиб ўзларича айтиб ҳам юрадилар. Вокал ўқитувчиси талабаларни тўплаганда уларнинг ўзларича қўшиқ ўрганишлари овоз аппаратларига зиён етказиши, овозни ишдан чиқариши мумкинлиги тушунтириши керак.

Тўғри нафас олиш, овоз аппаратининг анатомияси ва физиологияси, овозни тўғри чиқариш, вокал назарияси ва амалиёти билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ўтказиладиган қўшимча суҳбатлар эса талабаларнинг билим даражасини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлайди, уларнинг билим доирасини кенгайтиради. Композиторларимизнинг баркамол авлодга атаб ёзган қўшиқлари, халқ ижоди намуналари, вокализлар вокал ижроилигининг марказини ташкил қилиш керак.

Маълумки, овозлар турлича диапазонга эга бўлади. Бу хусусият ўз навбатида вокал ижрочилигидаги овозларнинг хилма – хиллигига олиб келувчи дастлабки фактордир. Вокал дарсларига қатнашувчилар овозининг диапазони аксари бир ёки икки октава (тенор ёки баритон) бўлганида ўқитувчининг иши бирмунча енгиллашган бўлади. Бироқ бунда ҳам талабалар овозида бир хиллик хавфи туғилиб қоларди. Вокалчи талабаларнинг кўп овозли репертуаридан фойдаланиш уларга хор қўшиқларини, ҳатто вокал кантаталарини ўргатиш имконини туғдиради.

Янги қўшиқнинг мусиқаси ташқаридан қарагандан ижрочи учун тайёр қолипдай туюлади. Бу нотўғри тушунчадир. Қўшиқни репертуарига киритмоқчи бўлган ижрочи унга ўз ҳиссасини қўшмаса, қўшиқ тингловчига манзур бўлмайди. Бу эса, ижрода оригинал, яъни ўзига хос йўлдан бормоқ керак, деган сўздир.

Мусиқа ўқитувчиси талабаларга қўшиқ ўргатаётганда ишни ҳали кенг тингловчилар оммасига таниш бўлмаган оммобоп, енгил ва яхши қўшиқларни ўргатишдан бошлагани маъқул. Негаки, биринчидан, янги қўшиқнинг таъсири илгари эшитилиб юрган қўшиқларга нисбатан бошқачароқ, кучлироқ бўлади.

Вокал ижрочилиги дарсларида талабаларга ўргатиладиган қўшиқларни танлаш вокал ўқитувчисининг ихтиёрида бўлиб, бунда унга, биринчи навбатда, талабаларда эстетик тарбияни такомиллаштирувчи методик қўлланмалар, қўшиқлар тўпламлари ёрдамга келади. Қўшиқни танлашда эстетик тарбияни амлага оширишни сира ҳам унутмаслик керак. Чунки ҳар қандай қўшиқ ҳам талабаларга кўнгилдагидек эстетик тарбия бера олмайди.

Вокал ўқитувчиси ўз ишининг мазмуни ва таъсирчан чиқиши учун турли манбааларга мурожаат қилиши мумкин. У иш жараёнида радио ва телевидение орқали борилаётган ҳамда концерт залларида ижро этилаётган, талабалар ҳар жиҳатдан мос келадиган, эстетик аҳамиятга эга қўшиқларнигина синчковлик билан танлаб, репертуарга киритиш мумкин. Вокал дарсларида талаба билан танишиш муҳим ва масъулиятли жараёндир. Чунки, ҳамма нарса бошданок пухта ва аниқ бўлиши керак. Баъзи таассуротлар кишини алдаб қўйиши ҳам мумкин. Кўпинча янги талабани синаб кўришда даставвал унинг қобилиятини текшириб кўрилади. Бунда вокал дарсига қатнашувчи талабанинг яхши овозга эга бўлиши билан бирга, шаклан вокал хусусиятлари (овознинг чиройли бўлиши, қуввати, диапозони ва силлиқлиги), мусийқилиги, ижронинг атрофдагиларга таъсири, нутқнинг равонлиги, умуман, маданий ижро қилиш услубини сезиш ва ҳатто ташқи қиёфаси, артистик ифодалари ҳам инобатга олинади.

Овоз яхши бўлиб, мусиқа билан ижро этиш қобилияти пастроқ бўлса, уни ривожлантириш керак. Аксинча овозда камчиликлар бўлса, дарслар давомида буларни йўқотиш йўлларини қидириш лозим. Вокал ўқитувчиси мана шу энг керакли хусусиятлар устида ишлаш имкониятига эга. Лекин талабаларнинг қобилиятини текширишда ҳар доим ҳам тўғри хулосага келавериш қийин. Талабада яхши овоз, қобилият бўлса ҳам, баъзан у ўз маҳоратини кўрсата олмайди. Чунки бошқа бир кишининг олдида қўшиқ айтганда айрим талабалар ийманади. Унинг учун энг кучли таъсир томошабиндир. Бундай ҳолда талабаларнинг мия органлари фаоллиги тўхтайдиган, шу туфайли талабаларнинг яроқли овоз ва ижрочилик сифатларини кўрсата олмайдилар. Сўзларни унутиш,

мусиқадан паст ёки баланд айтиш ва шунга ўхшаш камчиликлар текшириш пайтида рўй бериши мумкин. Бундай ҳолларда вокал ўқитувчиси ҳақиқий ҳолатни ҳушёрлик билан пайқаб олиши керак.

Қўшиқчилик кишидан бутун умрини, истёждод ва меҳнатни талаб қиладиган санъатдир. Қўшиқчилик санъати профессионал санъат турлари орасида ўзининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Вокал санъатининг ўзига хос томонлари борки, бунда яхши овозга эга бўлиши билан иш битмайди. Табиат инъом этган ҳушовоздан тўғри фойдалана билмоқ учун бу санъат сирларини қунт билан, эринмай эгаллаб олишга тўғри келади.

Талаба билан вокал асарлари устида ишлаш

Талабага қўшиқчилик бўйича билим бериш жараёни кўп қирралидир. Вокал ифодали бадий ижроси талабадан қўшиқчилик малакаларини пухта эгаллашни тақазо этади. Акс ҳолда қўшиқ ижроси кутилган самарани бермайди ва асар таъсирсиз бўлади.

Вокал раҳбари талабанинг мусиқа сезгисини ҳар томонлама ўстириб бориши негизида унинг қўшиқбоп овозини тўғри тарбиялашни унутмаслиги лозим.

Талаба қўшиқни ижро этар экан у ўзининг куйлашидан эстетик завқлана олишига эришиши керак. Бироқ бу жараён енгил кечмайди, аксинча яхши тайёргарлик ва ижодий изланишни талаб қилади. Талаба ижро этаётган асарининг руҳига чуқур борган тақдирдагина унинг ижроси гўзал ва ифодали ҳамда мафтункор чиқиши мумкин. Шунинг учун ҳам талабаларни қўшиқ ижросига эмоционал, ижодий муносабатда бўлишига, ижрода асардаги ғояни ифодалашга ўргатиш жуда муҳимдир. Бу эса талабаларнинг овозларини ўстириш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Чунки овоз аппаратининг умумий фаолияти қўшиққа эмоционал муносабатда бўлганидагина фаоллашади.

Муסיқа раҳбари ўз фаолиятида ҳар бир талаба билан якка тартибда иш олиб бориб, овозлар тарбиясини йўлга қўйса, унинг вокал ижрочилига доир ишлари ҳам ҳал бўлаверади, гуруҳ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ҳам йўл очилади.

Ёшларнинг овоз аппаратлари, турган гапки, анча мўрт ва нозик бўлади. Улар ҳар жиҳатдан ўсиб боришлари билан бир қаторда, бунга мос ҳолда овоз аппаратлари ҳам ўзгариб борадики, бу жараён мунтазам ва узлуксиздир. Шунинг учун вокал раҳбари дарс ўтказган вақтларида раҳбари талабаларнинг овозини муҳофаза қилиш, асраш ва тўғри ўстиришга ҳам жиддий эътибор қилиши керак.

Қўшиқ айтиш, ўз табиатига кўра, комплекс жараён ҳисобланади. Талаба қўшиқ айтганда унинг бутун организми ишга тушади. Бунда ҳаммасидан ҳам организмнинг маълум бир қисми тўла фаол ишлайди, яъни товуш ҳосил қилишида артикуляцион, нафас, асаб – мускул аппарати ўзини кўрсатади. Улардан бирортасининг нотўғри ишлаши ашулабоп овоз чиқиши ёхуд меъёрий оқимига ҳалал беради. Шу сабабли талабанинг ижрочилик малакасини тарбиялаш иши комплекс тарзда олиб борилиши ва бунда узулишга йўл қўйилмаслиги зарур.

Ўқитувчи талаба овозини якка ҳолда эшитиб, кўриқдан ўтказиб турганида, аввало, ундаги муסיқа сезгисининг қай даражада ўсганлигига, овоз оҳангидаги ўзгаришларга, нафас чиқаришига, овоз ҳужумининг характериға, овоз кўлами ва туриға, унинг қандай қўйилганлигига, шунингдек, ижродаги ўсишда кўзга ташланадиган нуқсонларға эътибор бермоғи керак. Бунда ҳаммага яхши таниш бўлган қўшиқни айттириб синаш машғулоти ўтказиш мақсадға мувофиқдир. Бу машғулотда талабаларнинг овоз имкониятларини ҳисобға олиб, оҳиста ва бамайлихотир тезликда ёхуд чўзиб айтиладиган қўшиқни синов учун танлаш мумкин. Шундагина талабанинг муסיқа ва ижрочилик қобилияти қай даражада ривожланаётганлигини кўриш ва камчиликларни аниқлаш мумкин бўлади.

Педагог талабаларни овозлари қай тариқа тараққий этиб, мусика сезгилари қанчалик ўсиб бораёйганлигини йилига тўрт марта яқка (индивидуал) тарзда кузатиб боради. Машғулотлар жараёнида ўргатилаётган кўшиқларнинг талаба ижросида ёзиб олинishi, кейин эса вокал ўқитувчиси ва талабасини ўзи уни эшитиб кўришлари, ўз навбатида, индивидуал назоратни кучайтирибгина қолмай, шу билан бирга мусика ижрочилик фаолиятида ўсишни таъминлайди, талабанинг вокал жанрига қизиқишини янада ортиради.

Ёшлар вокал асарларини бакириб, зўриқиб куйлаганларида овоз аппаратлари бузилиб, касалланади. Чунки ёшларда овоз чиқариш билан боғлиқ бўлган органлар ўсувчан характерда бўлади. Бундан ташқари, асарни бакириб куйлаш бадий ижро талабларига ҳам зид. У овоз тембрини гўзаллик ва ифоалиликдан маҳрум қилиб қўяди.

Вокал ижрочилиги дарсларида талабалар кўшиқни ўртача авжда айтишлари ва бунда динамик оттенкалар (форте ва пиано) дан оқилона фойдаланишлари зарур. Талабаларнинг баъзи бирларида овоз авжи баланд бўлмаслиги ҳам ўз – ўзидан маълум. Педагог талабалар билан мунтазам равишда иш олиб борганида уларнинг овози силлиқлашиб, ҳамма диапазонларда тўқис ва таъсирчан бўлади.

Машғулотларнинг асосий мақсадларидан бири шуки, ҳар бир талабанинг индивидуал ижроси ўзига яраша жаранг берса яхши бўлади, шунда унинг овозини аста – секин кенгроқ диапазонларга ўтказиш ва ва синаб кўриш осонлашади. Бу эса талабанинг овози ҳар жиҳатдан бақувватлашади деган сўздир.

Машғулотлар давомида талаба овозининг жарангдорлигини сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, вокал ижрочиларидан кучли овозгина эмас, вокалда унинг жилolari уйғунлиги ҳам талаб этилади. Овознинг кучлилиги ва интонацияси билангина иш битмайди. Овоздаги барча элементлар ижро жараёнида уйғунлашган тақдирдагина вокал санъатида кузатилган мақсадга эришилади. Бунга эришиш, биринчи навбатда, вокал ижрочилиги фани ўқитувчисининг маҳоратига боғлиқ.

Талабалар овозидаги ўзига хослик кўп ҳолларда аён сезилиб турмайди. Шунинг учун ҳам овоз меъёрий равишда ривожланиб борган тақдирда яъни талаба зўриқиб кўшиқ айтмаганида ва овозда бурун ёки томоқдан кўшилган кўшимча товушлар бўлмаганда индивидуал тембрлар кўшиқ жарангдорлигига ҳалал бермай, аксинча уни бойитади

Гуруҳдаги ҳар бир талабадан тембр уйғунлигини талаб қилавериш ярамайди. Жарангдорликни сақлаш кўшиқбоп овозга хос бўлган хусусиятларга боғлиқдир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, овоз мускуллари бола ўн бир – ўн икки ёшга етганда шаклланади. Ундан кейинги ёшларда эса асаб – мускул қурилишининг мураккаблашиш жараёни бошланади. Овоз ҳосил қилувчи комплекс тахминан ўн саккиз ёшга етганда такомиллашади.

Айни пайтда талабаларнинг нутқи ривожланиб боради, кўшиқ айтишдаги талаффузи тўғри йўлга тушади. Биринчи босқич талабалари вокал ижрочилиги бўйича унли товушларни тўғри, равшан, ундош товушларни эса ихчам талаффуз этишни эгаллаб оладилар.

Вокал ижрочилиги дарсларида талабаларнинг овозлари табиий жаранг касб этишини ҳамда улар овозини педагогик нуқтаи назардан асраб тарбиялаш, асосан, қуйидаги жиҳатларга боғлиқ бўлади:

1. Жарангдорликка эришиш. Кузатув ва текширувларимиз ёшлар овозидаги жарангдорлик турлича ифодаланишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам, талабаларнинг овоз жарангдорлигига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган вокал ўқитувчиси уларнинг ёш хусусиятлари доирасидаги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда иш кўриши мумкин. Биринчи босқич талабалари овозларидаги жарангдорлик кўлами камроқ бўлади. Овоз жарангдорлиги аста – секин ортиб боради.
2. Серпарвозликка эришиш. Талабалар овозининг серпарвозлиги овоз жарангдорлиги, авжи ва ижрочининг ёш жиҳатидан имкониятларига боғлиқдир.

3. Вибраторнинг сайқалланиши. Талабалик даврини илк бошлаганларнинг овозларида гарчи вибратор намоён бўлмаса ҳам бунга аввал бошдан эътибор бериш керак бўлади. Истеъдодли ёшларда вибратор 11 – 14 ёшлигида ўзини кўрсатиши мумкин. Уларнинг овози раста бўлганда вибратор йўқолади. Буни ўғил болалар мисолида кўриш мумкин. Катта ёшдагиларнинг овозида вибратор мавжудлиги яхши сезилади.
4. Жарангдорликнинг текислигига эришиш. Бу жараён ҳам аста – секин рўй беради. Янги ўқишга кирган талабалар овозида ундош товушлар нотекис жаранглайди. Ўқитувчи талабалар билан мустақил равишда иш олиб борганида улар эътиборини жарангдорликда табиийликка интилишга қаратиши керак бўлади. Бунда у овоз паст ёки баланд чиққан пайтдаги ўзгариш ҳолатини концерт мисолларида кўрсатиб бериши зарур.

Қўшиқ куйлашда нутқнинг дикцияси (тиниклиги) товушларнинг баландлигига, талабанинг овоз хусусияти ва нутқ маданиятига, ундошларнинг тўғри талаффуз қилишига, ижрочилик ҳамда унинг умумий савиясига боғлиқдир. Талабалардаги қўшиқбоб овозни тарбиялаш иши машғулотларда мунтазам равишда олиб борилиши лозим. Бунда вокал дарслари ва унинг репертуарлари бўйича машқлар кўзда тутилади. Вокал ўқитувчиси жарангдорликдаги нозик ўзгаришларни ҳам назардан четда қолдирмаслиги ва уларни тўғри йўлга солишни ўйлаши керак. Талабаларда вокал сезгисини тарбиялашда уларнинг ўз овозларига онгли равишда танқидий муносабатда бўлишлари ҳам назардан четда қолмаслиги зарур. Ҳар бир талаба ўз – ўзини кузатиб бориши вокал раҳбарининг бу борадаги ишини бир мунча енгиллаштиради.

Хулоса ва таклифлар

Ёш авлодни эстетик жиҳатдан тарбиялашда барча воситалардан рационал фойдаланиш мусикий таълим кафедрасининг муҳим иши. Бунда бошқа тадбирлар билан бир қатор вокал асослари фани ҳам муҳим роль ўйнайди. Вокал дарсларини ташкил этиш, унинг ишини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш, вокал ўқитувчисининг иш жараёнида таъсирчан методлардан фойдаланиши, ўз устида муттасил ишлаши ва изланиши, керакли кўрсатмали қурооллардан ўрнида фойдаланиши ёшларнинг эстетик тарбиясини таъминловчи омиллардир.

Вокал асослари фани ўқитувчиси талабалар билан машғулот ўтказганда назарияни амалиёт билан узвий равишда боғлаб олиб бориши керак. Талабаларнинг бадиий жиҳатдан тарбияланишлари, овозларининг шаклланиши, товуш гигиенаси ва муҳофазаси масалалари ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Булардан ташқари, талабаларни вокал санъатига тегишли адабиётлар билан мунтазам равишда таништирилиб борилса ишда қувончли натижаларга эришилади.

Тайёрланган ушбу ўқув услубий қўлланмада билдирилган фикр – мулоҳазаларга асосан қуйидаги таклифларни тақдим этишни лозим кўрдик:

- биринчидан, талабаларнинг вокал ва хор қўшиқчилиги бўйича олган билимлари ҳали профессионал даражага етиб бормаган ва бунинг сабабларидан бири бу фанларга ажратилган дарс соатларининг ўта даражада кам эканлигида;
- талабаларнинг олган билимлари фақат дарс жараёнида эгаллаган билимлари, ортирилган кўникма ва малакалар билан чекланиб қолганлигида. Вокал техникасини эгаллаш учун, белгиланган мустақил ишлардан талабалар унумли фойдаланаётганлигида;
- қуйлаш техникасини эгаллашга, талабаларда бўлган интилишнинг суствлиги.

Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олий мусиқа ўқув юртларида талабаларга вокал техникасини эгаллаш бўйича бериладиган

профессional билим ва малакалар қанчалик яхши йўлга қўйилмасин, яхши ўқитувчи бўлиш учун бунинг ўзи етарли эмас. У тизимли равишда у устида ишлаб бориши керак. Professional даражага эришиши ва уни сақлаб қолиши қийн бўлади.

Олий ўқув юртида куйлаш техникасини эгаллаш бўйича олиб бориладиган барча ишлар бу вокал ўқитувчиси учун ўзига хос фундамент, пойдевор бўлиб, у ёш мутахассиснинг professional даражалиг ашулачи, хофиз бўлиши учун ўзига хос йўналиш вазифасини ўтайди, холос.

Бизнинг вокал санъати борасидаги ютуқларимиз талабалар орасида ҳар қанча тарғиб қилинишга сазовордир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент – 2008 й.
2. И.Каримов. Миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, 2005 й.
3. А.Ҳасанов. Мактабда ашула. Тошкент, 1981 й.
4. Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. Тошкент, 2000 й.
5. О.Файзуллаев. Мактабда муסיқий тарбия. Тошкент, 1991 й.
6. Муаллифлар жамоаси. Педагогика. Тошкент 1990 й.
7. Е.А.Гудкова, Б.Васильева. Ашула дарслари методикаси. Тошкент. 1973 й.
8. О.Апраксина. Музыкальное воспитание в школе. Москва, 1975 г.
9. М.Хўжаева. Умумтаълим мактабларида муסיқа ўқитиш методикаси. Тошкент, 2008 й.
10. Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 6 – махсус сон. Т. 1999 й.
11. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси. Тошкент – 1999 й.
12. Д.Соипова. Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси. Тошкент, 2009 й.
13. Н.А.Кушаева. Эстетик тарбия асослари. Тошкент, 1988 й.
14. А.Ҳасанов. Муסיқа ва тарбия. Тошкент, 1993 й.
15. Муаллифлар жамоаси. Узлуксиз таълим тизимида муסיқа фанларини ўқитиш масаласи. /Республика илмий – амалий анжумани материаллари/. Тошкент, 2009 й.
16. Т.Ортиқов. Муסיқа ўқитиш методикаси. Тошкент, 2012 й.
17. Муаллифлар жамоаси. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида муסיқа дарсларини сифат ва самарадорлигини ошириш. (Минтақавий илмий – назарий анжуман материаллари). Наманган, 2007 й.
18. Р.Т.Қодиров. Муסיқа психологияси. Тошкент, 2005 й.
19. Н.Шарафиева. Хоршунослик. Тошкент, 1987 й.
20. Л.Н.Қўлдошев. Мактабда хор тўгараги. Тошкент, 1975 й.

- 21.Р.Т. Қодиров. Дарсларда ўқувчиларни кўп овозда куйлаш малакаларини шакллантириш. Тошкент, 1992 й.
- 22.Л.Дмитирева, А.Орлова. Что надо знать учителью о детском голосе. Москва, 1972 й.
- 23.Н.А.Бахриддинова. Ўзбекистонда болалар хор маданияти. Тошкент, 2002 й.

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Талабаларни эстетик руҳда тарбиялашда вокал ижрочилиги фанининг вазифалари.	7
Вокал ижрочилиги ва унинг ривожланиши.....	12
Вокал ижрочиларининг овози ва унинг тавсифи	16
Қўшиқчининг овоз устида ишлаши.....	20
Нафас олиш органлари ва уларнинг қўшиқчиликдаги аҳамияти.....	24
Болалар овоз апаратининг тузилиши	29
Талабаларда вокал малакаларини шакллантириш ва ўстириш йўллари.	32
Вокал ижрочилигида вокал ўқитувчисининг вазифалари	43
Талаба билан вокал асарлари устида ишлаш.....	48
Фойдаланилган адабиётлар	55